



Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabrda chiqqan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 34-35 (496-97) 2006-yil 30-avgust

www.hurriyat.uz

Энди газетда эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, халқаро шарҳлар, машҳурлар билан суҳбатлар, қисқаси, Сизга маъқул ва манзур бўладиган материалларни газетамизнинг халқаро компьютер тармоғидаги www.hurriyat.uz сайтида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонлар учун ўз реклама ва эълонларини «Hurriyat» веб-саҳифасига жойлаш имкони мавжуд.

Кутлов

МУКОФОТ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Истиқлол — буюк неъмат. Биз, одам болалари табиятан моддийчимиз. Жуда кўп нарсаларни моддий маънолар билан ўлчамимиз, ҳисоб-китоб ва ҳулоса қиламиз. Унинг маънавий ва маърифий жиҳатлари негизда ҳаёлимизга кечроқ келади.

“Ўзбекистон Республикаси халқ шoirи” Саидов Сирожиддин Саломович (Сирожиддин Сайид) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шoir.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” Адилшаева Ленуре Вейсовна — Жиззах вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” Каримжонов Комилжон — “Ўзбекистон” телеканалнинг “Ахборот” бош муҳаррири-яти шарҳловчиси.

Хайдаров Абдунаби — “Халқ сўзи” газетаси бўлим муҳаррири, публицист.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” Акбаров Абдурахмон Турғунович — Ҷўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

Кенжабоев Қамчибек (Қамчибек Кенжа) — Ёзувчи, публицист Мусаёнова Гулмира Фарҳодовна — “Ўзбекистон” телеканалнинг “Оддий ҳақиқатлар” кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси

Норқобиллов Нормурод Норқобиллович — “Ўзбекистон” телеканалнинг “Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари” бош муҳарририятининг “Қадрият” бўлими бошлиғи, ёзувчи

Тошев Жаббор Сатторович — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси режиссёри

“Буюк хизматлари учун” ордени билан Қодиров Пиримкул — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

“Меҳнат шухрати” ордени билан Мансуров Шомухиддин — “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Ғафуров Абдуҷаббор — “Ўзбекистон” телеканалнинг овоз режиссёри Ҳамроев Шодиқул Эшович — “Инсон ва қонун” газетаси бош муҳаррири

“Дўстлик” ордени билан Гармаш Людмила Михайловна — “Ўзбектеlevision” хроникал-ҳужжатли фильмлар ижодий-ишлаб чиқариш бўлими кинорежиссёри

Маҳмудов Ғофуржон — “Овози Самарқанд” газетаси бош муҳаррири Мирсағулова Назирахон Ҳабиёва — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиокомпаниясининг Ўзбекистон радиоси овоз ёзиш оператори

“Шухрат” медаллари билан Алауддинова Мухамбар Абдимўноновна — “Уқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйининг бошматбаа ишчиси

Алиева Зулфия Каримовна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Машъал” радиоканали мутахассиси

Барашкин Николай Иванович — “Правда Востока” газетасининг Жиззах вилояти бўйича муҳбири

Дильманов Илья Орақбаевич — “Фидокор” газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири

Матқурбонов Қурбонбой — “Маърифат” газетасининг бўлим муҳаррири

Насриддинова Матлуба Қўзиёва — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи машинисти

Панфилов Виктор Юрьевич — “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси

Шамсиев Ғайрат Абдусатторович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика телерадиокомпаниясининг телевидение ва радио кўма техникаси хизмати (ПТС) смена бошлиғи

Шоймардонов Ибодулла Элмирзаевич — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари

Ҳайитов Адхам — Самарқанд вилояти “Зарафшон” газетаси масъул котиби

Ҳамроева Мухаббат Атоевна — “Ешлар” телерадиоканалининг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳаррири катта муҳаррири

ИЛОЁ, ҲАР КИМГА ҲАЁТДА ИФТИХОР НАСИБ ЭТСИН

Ифтихорнинг гўзал шаклу шамойиллари кўп. Уларнинг энг аввали, албатта, халқу Ватанидир! Ундан сўнг, балким, устозу шоғирдлар. Шу маънода, жумладан мен ўзимни ниҳоятда бахтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман. Улуғ халқим, буюк устозларим, кўз-кўз қилишга арзигулик софидил шоғирд укаларим бор. Шобён шеърятимизда эса ана шундай ифтихорларимиздан бири, шубҳасиз, Сирожиддин Сайиддир!



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

Эгаси бор юрти

Очсанг давронларнинг китобларини Қанча қарвонларнинг эртаги бордир. Тингла доноларнинг хитобларини: Эгаси бор юртининг — эртаси бордир.

Дунёнинг манзили маконларида Бир рўзгор бут бўлса, гўрттаси хордир. Боқил ўз юртининг кўрғонларига: Эгаси бор юртининг — эртаси бордир.

Бунда ой, қуёшдан чехралар олган Ўғил ҳам қизларнинг эркаси бордир. Ҳар айтган сўздан Ватан тугилган, Эгаси бор юртининг — эртаси бордир.

Милёнлаб ўзбекнинг умидлари жам Милён бу овозлар — номус ҳам ордир. Чопдим шеърларини кўлтиқлаб мен ҳам: Эгаси бор юртининг — эртаси бордир.

Қалдирғочларга бер айвонларингни. Қўшининг ҳам бек билан бекаси бордир. Сингилжон, экавер райхонларингни. Эгаси бор юртининг — эртаси бордир.

Умр гоҳи ширин, гоҳи талх бўлмай. Улуғ ниятларга Оллоҳ ҳам ёрдам: Эгаси бор юртининг эли халқ бўлмай. Эгаси бор юртининг — эртаси бордир.

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шoirи

ОШКОРАЛИК КЎЗГУСИ

Мустақиллик — бебаҳо неъмат! Уни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш лозим! Бунинг учун кўп нарсани керак эмас. Энг муҳими, ҳар ким ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, ҳалол ишласа, бурчинни сикдқидилдан адо этса, қифоя.



Абдунаби ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, журналистларнинг ҳаётини ниҳоятда катта юк тушиши табиий. Биз уни юрак-юракдан ҳис этишимиз, ҳар қандай вазиятда ҳам касб-коримизга содиқ қолишимиз даркор. Ижод жараёнида фақат ютуқларимизни фахр ила қозоғизга тушириши билангина чекланиб қолмай, айрим соҳаларда йўл кўйилаётган хато-камчиликлар, рўй бераётган ноҳақликлар ҳақида ҳам очик-ойдин ёзишимиз жоиз. Негаки, нур бор жойда соя бўлганидек, иш бор жойда хато ҳам бўлади. Қор ҳарчанд қалин ёққан билан ёзга етмаганидек, қинғир иш ҳам узокқа бормайди — бир кунмас-бир кун, албатта, фож бўлади. Ҳақиқатнинг тезроқ юзага чиқишида эса ошқоралик кўзгуси ҳисобланмиш матбуотнинг ўз ўрни бор. Фақат

исботлаб бериши, асосий эътиборни муаммонинг келиб чиқиши сабабларига ва уларни бартараф этишга қаратиши зарур. Ана шунда журналисткамизнинг обрў-эътибори янада ошади, халқимизнинг матбуотта ишончи ҳар қачонгидан-да мустаҳкамланади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, заҳматқаш ҳамкасбларимизни ва ҳамюртларимизни кутлуғ айём — Мустақилликнинг 15 йиллиғи билан чин дилдан табриқлайман. Ҳайтлариде бахт-саодат, турмушларида фаровонлик, ишларида ва ижодларида муваффақиятлар ҳаммаша ёр бўлишини тилайман.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Бади

Тош, сен бобомнинг бобосининг замонида ҳам бор экансан. Бобом кўп айтди: “Мана шу ерда, бовамнинг тиззасида ўтирдим. Бовам “Поймарда ота” ҳақида, “Қора кўз булок”, “Тошоҳур” ва “Олов ёлли Тулпор от” ҳақида эртақлар айтиб берарди...”

Сенда соғинчларим қолиб кетган, Тош. Ёдингдими, ўн еттинчи “Улуғ инқилоб” йилларида ота-онам қариндош-уруғларимиз билан бир қарвон бўлиб Афғонистонга йўл олдидилар. Хали ёш, йўл қийинчиликлариға чидай олмайди, ҳам ким билсин, балки юртга



“Истиқлол илҳомлари” туркумидан

касиб бўлмаса, Ота юртимизда лоақал биригина бўлса, зуррият қолсин дея, тўрт ёшли болакайни — мени, мункиллаган бир кампир билан қишлоқда қолдириб кетади. Бировларнинг эшигида қандай кўнлар

қурганимиз ўзимизгагина аёндыр, Тош... Худонинг берган ҳар кунни момомдан сўрайман: Отам қачон келади, момо? (Қизик, нега эганим эмас, фақат отамни сўраганим, кейин-кейин ўйлаб билсам, агар отам қайтса, ёнида энам ҳам албатта қайтади, деб ҳаёл қиларканман-да).

— Келади, болам, келади. Ҳамал тошга бориб қақирсанг, албатта келади. Сеннинг тишинг бугун, ўзинг беғунюксан, ниҳоятинг амал бўлади, болам, қақираверсанг келади.

Мен бу гапга юрак-юрагимдан ишонардим. Сенга келиб, қарвон жўнаб кетган тулпорқли “Турк йўли”га қараб то овозим чиқмай қолгунча қақираверардим: — Ота-а-а! Ота-а-а-а!

Узумзордаги чуғурчуқлар, фотмақушлару майналар гуриллаб осмонга кўтариларди... — Энам, қишлоқнинг “Бахши момоси”, кўпинча айтиб ўтирардим: — Отанинг ичкари-ташқарили даңғилла-май уйлари бор эди. Уша кўнларда қирғинбарот бўлиб, бой қўлоқ қилинди. Ҳамма мол-мулкени “большевоилар” тортиб олгандан сўнг бовам: “Энди ота юртим қўлдан кетди. Мен қизилларнинг, бошқа бировларнинг йўли-ўриғига иқдор бўлиб яшай олмаيمان”, деб Афғонга йўл олди. Ҳақиратдан бош олиб кетиб бораётганимиз. Қўжайимизда минг тахла, минг ҳавотир. Шўйтиб денг, шу тахла, минг “Жайхун доира”га етиб келдик. Унда хозиргидай қайиқ-кемалар қайда эмиш. Мешга сув тўлдирилган, шунинг устида сузиб ўта-ялғиз. Ушанда кичкина амман эндиғина чимилдикдан чиққан келинчақ эди. Аёл бари-бир аёл эканда-я, қаранг, ўзи не ахволда-мизу... бўйинида асл маржондан ўн қатор ой-балдоқлари, кўш-кўш узук-биллақуқлари, зеби-гардонлари, нуқра тиллақошлари бор эди... Э-й-й, мол-дунё одамозтга вафолик қилмас эканда-я, товба! Сувнинг ўртасига борганда меш тешилиб кетади. То бу қир-

роқдагилар ёрдамга боргунча... Бояғи тақин-чокларнинг бари олтин-қумушдан эди. Олтин ердан чиққан эмасми, ерга қараб торти-лаверар экан-да. Шуларнинг оғирлигидан чўки-иб кетди. Унга кўп кўйдик. Афғонга етиб борган, у ерда олти йил ўтирдик. Кейин Баллик деган юртга қориб, тўрт йил турдик.

— Баллик эмас, эна, Балх денг, Эронда. — Сен жим тур! Биз Эронга борганимиз йўқ, Афғонга борганимиз. Кейин ўн йил ўтирганимиздан сўнг, Афғоннинг пошоси отамга айтади: “Юртингизда тинчлик ўрнатилди.

Энди и урушлар йўқ. Хохла-салаларнинг боринглар, хохлама-салаларнинг, майли, қолаверинглар” дейди.

— Пошосининг ўзи айтмагандир. — Сен қаёқдан биласан?! А хир, унда сен йўқ эдинг-ку?.. Тов-

ба, хозиргининг ёшлари, ҳеч нарсани билмасаларинг ҳам шўйтиб билгири қилиб кетасилар-а? Айтган, пошосининг ўзи айтган. “Йўқ, — деган отам. — қуллук сизларга! Бизни кўп иззат қилдиларингиз. Биз тинч ва тўқ яшадик. Ҳўким Аллоҳ экан, жигарларимизнинг кўпи омонатини шу тупроқда топширди. Лекин биз энди юртимизга, ўз Ота маконимизга, Ҳамал тошга кетамиз, бизга ижозат беринг!” деб айтган.

Туяларга Юк-ёпларни ортиб, қайта бошладик. Шундайгина “Жайхун доира”дан ўтганимиз замони раҳматли Хожар холагни дарад тутиб қолди... Уғилча бўлди. Хуржунларимиздаги егуликларимиз ҳам охирида қолган. Ўйгирма еттинчи йили, Худинг бошлари эди-да. Шунда катта бовам шартта ўрнидан туриб, тирик турган туянинг сонидан кесиб олди-ёв: “Дарров бир иссиқ пишириб ичинглар, — деди. — Минг шўкур, ният-муродимга етдим! Гўдак юртимиз тупроғига етганимизда кўз очди! Шоядқи, эндиғи кўнларимизнинг бари шодмонлик кўнлар бўлгай! Оллонинг инояти бу — оти ҳам Иноятқулло бўлади!! Қани, кетдик, чўх, жонивор, чўх!...”

Тош, ўн йил муттасил сенга келиб, отамни қақирдим-а? Эрталаб йўғониб деразани очсам, бир кучок кунни қучоқлаб турибсан... — Момо, момо! — деб бақириб юбордим. Қаранг, Ҳамалга кун тушибди! Юғуриб келдим-да, тупроқли “Турк йўли”га қараб бор овозим билан қақирдим: — Ота-а-а-а!

... Бир пайти... бир пайти... Ё бор Худойим-а?! Ё амал Тошим-а... Моргузар отанинг ёнидаги “Илон йўли”дан туялар чиқиб кела бошлади. Бир пас қараб турдим. Қора соқоли одам оқсоқ тўядан сакраб тушди-да: — Аскарбой! Ке, улим!... — деди.

(Давоми 2-бетда).

Хушxabар

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Маълумки, шу йилнинг 19 июнида Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиғини ҳамда давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик янгилашни ва модернизациялаш, Ватанимиз муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли хисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиғига 15 йил” эсдалик нишони таъсис этилган эди.



Истиқлол байрами арафасида, аниқроғи 28-31 август кунлари жуда кўп муассаса, корхона ва давлат идораларида эсдалик нишонини топшириш маросимлари бўлиб ўтди. Кўни кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижод

дий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов Ижодий уюшма, Миллий матбуот маркази, “Ўзбекистон матбуоти” журнали ҳамда “Hurriyat” газетасининг бир гуруҳ ходимларига “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиғига 15 йил” эсдалик нишонини тантанали равишда топширди. Улар орасида “Hurriyat” газетасидан Исмаил Худойёров, Ҳақим Сатторовий, Ислам Султонов ва Зумрад Лутфуллаевалар ҳам бор. Жамоамиз номидан уларни чин дилдан қутлаймиз.

МУХБИРИМИЗ

«ҲАММАСИ УЧУН РАҲМАТ, ДЕЙМАН»

Журналист ҳаммаша ҳаётнинг қайноқ жабҳасида бўлиши керак, дейишди. Аниқса, “Ахборот” дастури муҳбири учун бу ўта муҳим деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам фаолиятимиз давомиде улкан қурилишлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилишга интиламиз. Истиқлол йилларида халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида жуда кўплаб йирик лойиҳалар амалга оширилди. Улар орасида янги йўللар қуриш, кўприклар барпо этиш, коммуникация тармоқларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳам бор.

2002 йили Учқудук-Нукус темир йўли ишга туширилди. Узунлиги 341 километрлик мазкур магистрал кимсасиз чўлар бағридан ўтади ва халқимизнинг узогини ақин қилади. Энди Тошкентдан Хоразм вилояти, Қорақалпоғистонга қатновчи поездлар фақат ўз худудимиздан ўтади. Ана шу улкан қурилишнинг боришини қадамба-қадам бритаб боришга ҳаркат қилдик. Туркум лаҳзалар тайёр-



ладик. Айни пайтда эса яна бир йирик лойиҳа Тошғузур — Бойсун — Қумқўрган темир йўли қурилишида ҳар ойда бир марта бўлиб, туркум лаҳзалар тайёрлапман. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган қадамба-қадам бритаб боришга ҳаркати 450 млн. доллар туради. Ва бун-

дай лойиҳа ҳамдўстлик давлатларида хали рўй бермаган. Ана шундай йирик ишларни, юз бераётган улғузур ўзгаришларни атрафлича ёритиш, бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг жасорати, эртанги кунга бўлган ишончи ва интилишларга шерик бўлиш ҳар бир

ижодкор учун катта гурур бахш этади. Истиқлолнинг 15 йиллик байрами арафасида мазкур магистралнинг 3-бўлимида яна бир кувончи ювека юз берди. Бойсундан Дарбанд бекатигача бўлган тоғ ораллиғидаги қурилиш ниҳоятда етказилди, дастлабки ишчи поездди ҳаракати бошлаб юборилди. Ана шулар ҳақида янги лаҳзалар тайёрладим. Янги йўл қурилишида юксак тоғ чўққиларини кесиб, олға қараб ҳаракат давом этипти. Қўрсатувларимизда уларнинг бориши ҳақида яна кўплаб лаҳзалар тайёрлашни режалаштирганмиз.

Унвонга келсак, бу менинг озгина меҳнатимга берилган юксак мукофот деб биламан. Бундан, албатта, чексиз қувондим. У руҳимда албатта самаралироқ ишлаш учун янги кувват пайдо қилди. Ҳаммаси учун раҳмат, дейман.

Комилжон КАРИМЖОНОВ, Ўзбекистон телерадиоканали “Ахборот” бош муҳарририяти шарҳловчиси

Жавоб

ВОДИЙГА АВТОБУС ҚҲЙСА БЎЛАДИ...

лекин бунинг учун ЙХББнинг хулосаси керак

("Водийга автобус қўйиш вақти келди".
2006 йил 19 июнь)

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги "Hurriyat" газетасида чоп этилган "Водийга автобус қўйиш вақти келди" мақоласидаги кўтарилган масалани жуда ўринли, барчани қизиқтирган ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири деб ҳисоблайди.

Маълумки, бугунги кунда ушбу йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Тегишли идоралар томонидан йўл қўриқдан ўтказилиб, йўловчилар ташиш учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга етарли деб топилди, автобус ва микроавтобуслар ҳаракати йўлга қўйилса, республика аҳолиси учун жуда катта қулайлик яратилган бўлар эди.

Ҳаракат хавфсизлик масаласи асосий талаблардан биридир. Шу сабабли Республика Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ижобий хулоса олинган, йўналишларнинг қатнов схемалари ва ҳужжатлари ишлаб чиқилганидан кейин тегишли тартибда автобус ва микроавтобуслар ҳаракати йўлга қўйилади.

Ш. ШОВАҲОБОВ,
Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи уринбосари

(Давоми.
Бошланғичи 1-бетда).
Отам!.. Отамнинг овози-ку!.. Ҳай, ҳай овозимни олис Афғонларга етказган, Тошим-а, кукайимдан долларимни кетқизган, Тошим-а! Ушанда "Ота-а!" деганимни билман, лекин, айганимни бошқалар эшитдим, йўқми, билмайман. Каттиқ энтиканимдан кўз олдим қоронгулашиб кетди...
Кейин эшитсам, отам Ҳамал тошдан уйғача кўтариб олиб келибди. Икки оқшом-кундуз тугал кўзимни очмаган эканман... Бир вақт қарасам, ёнимда чопонга ўралган гўдаккана пишиллаб ухлаб ётир...

Мана шу ўнг қатордаги катта ёнгоқларнинг ҳаммасини отам келган кунийк "Мусофирчиликда ўн йил ният қилганим" деб экан эканлар!..

Отамни кўрган Тош, Онамни кўрган Тош!
Эти аждодларимни билган Тош!
Мен-да бугун бир зарра-зурийдман, сенга нима дейман?..

Мен-да сени шундай сева оламанми?..
Шундай соғина оламанми?..
Мен кимман, ўзи?..
Авалл кунни бир танишим

дамиз, Тош,
Бунчалар оқизу майдаимиз, Тош?..
...
... Сенга нега келдим, Тош?..
Нега кўзим тўла ёш?..
Ботмай тур, чуққига илгинган Кўёш...
... Йўқ, бас! Кел, эй дўсти ҳабибим!
Уларми?.. Уларни қўявер! Улар ҳисобмас, Улар фақат кун ўтказар, улар яшашмас.
Ахир илдиэлари "Катта ёнгоқлар"га туташмас...

ТУРНАГУЛГА КЕЛАМАН

Чой устида: "Яқинда оиламиз билан Россияга кетамиз. Пул ишлаймиз. Кўрамиз, агар пул кўп бўлса, қоламиз" деб айтди. Нега мен шундай "бахтиёр замондошим" билан бир дастурхонда ўтиргани ордамадим?.. Нега Боболарим "Афғон пошшоси"нинг марҳаматини рад қилди, нега уларнинг тинч, тўқингина дастурхонда қолиб кетавермади?.. Нега гоҳи тўяда, гоҳ пойу пийёда бўлса ҳам дашту ёбонлар ошиб, шунча машаққатлар чекиб юртя — Юрт Тошга қараб талпиндилар?.. Нега?.. Нега?..
Эх-х, сен қайдаю, биз қай-

дамиз, Тош,
Бунчалар оқизу майдаимиз, Тош?..
...
... Сенга нега келдим, Тош?..
Нега кўзим тўла ёш?..
Ботмай тур, чуққига илгинган Кўёш...
... Йўқ, бас! Кел, эй дўсти ҳабибим!
Уларми?.. Уларни қўявер! Улар ҳисобмас, Улар фақат кун ўтказар, улар яшашмас.
Ахир илдиэлари "Катта ёнгоқлар"га туташмас...
Илло, бизлар асли бошқачамиз, бошқача яшаймиз!
Кел, эй дўсти ҳабибим!
Бу ҳурриятли тонг —
Турроқларни табиб юртяда,
Ҳар гисаҳ ҳабиб юртяда,
Ҳамал тошда, тоза тонгдек ёришиб арчаларнинг илохий, зуммурад бўйларига қоришиб, тазарру ила "илдиэлар"нинг туб-тубига етайлик, янги асрга, бағри ҳали сирли қасрга, аста сингиб кетайлик!..
Кел, эй дўсти ҳабибим!..
Саъдина
БОБОМУРОВО

Қатағон

Ёшгина қамоққа олиниб, сургун қилинганида, бунинг моҳиятини билган ҳам, билмаган ҳам ҳайрон қолган эди.
Оддий ўз даврида Абдулла Қодирийнинг назарига тушган ва унинг сабоқларидан баҳраманд ёш қаламкаш эди. Қодирий, Чўлпон, Фитрат этагини тутганлар доимо назоратда бўлганлари бугунги кунда сир эмас.

ЎЗ ИШИГА ОМИЛ ЭРДИ...

Омил Оддийнинг дўстлари шундай аташарди

Ёш қаламкаш, педагог Омил Оддий (1912-1949) янги тузум талабига билим, савия, дунёқараш жиҳатдан тўғри келса-да, аммо келиб чиқishi шўрочиларга маъқул эмасди. У машхур тошкентлик мударрис Абулқосимхон эшоннинг ўғли Одилхон тура Қосимовнинг ўғли бўлгани учун комсўмулдан "Ижтимоий келиб чиқишини беркитган" деган баҳона билан ҳайдалади. Шунга қарамай тиришқоқ ўспирин Тошкент кечки педагогика институтининг тил-адабиёт бўлимини тугатиб, "Рабфак"да, Маориф комиссарлиги қошидаги "Ўқитувчилар малакасини ошириш" институтида ишлади.

Матбуотда турли мавзуларда мақолалар ёзиб, устозлар назарига тушади. 1939 йилда "Ёш куч" журнаliga масъул котиб лавозимига тақлиф қилинади...

Уша йилларда кўпгина газета ва журналлар "Қизил Ўзбекистон" газетаси биносида жойлашган бўлиб, барча ёш қари, фирка-лио фиркасиз қаламкашлар шу ерда ишлашар ва тўлғаниб сўхбат қуришарди. Шунинг учун ҳам улар ўзаро таниш бўлиб қолишган.

Оддий ҳам улар билан танишади, айниқса, Тўхтасин Жалолов, Юнус Латиф, Фуржон Расулов, Ориф Юнус, педагог олим Комил Обидов, кимёгар Шароф Обидовлар билан дўстлашиб, ҳар ойда галма-гал гап ўйнайдилар.

Гапда ёш адабиётшунослар вақтли матбуотда бошиланган адабий-бадиий асарлар ҳақида фикр алмашиб, шеър, ҳикоя ўқийшарди. Т. Жалолов, Ю. Латиф Навоий ижодидан, Омил Оддий Бобур, К. Хетагуров асарларидан намуналар ўқир, ижод хусусида мулоҳаза юритарди. Мумтоз ва замондош шоирларнинг асарлари таҳлил галврига солиниб, улар маҳорати ҳақида фикр алмашиб қизгин баҳсга айланар эди. Аммо ҳар гап улар ўзлари истамаган ҳолда гап Чўлпон ёки Қодирий ижодига келиб тақалганини сезмай қолишарди. Виждон тоза бўлгани учун даврининг қалтислиги, мунофиқлик авж олган, ҳар қарич ерда узунқулоқ ҳозир но-зирилгига қарамай кўркүк ва сиёсатни бир чекка суриб "Чўлпонхонлик", "Қодирийхонлик" бошланарди.

Т. Жалолов Чўлпоннинг "Юрак" шеърини жўшиб, илҳом билан ўқирди. Шунда Омил Оддий бекитиб қўйган жойидан Чўлпон, Қодирий асарларини олиб чиқар эди. Бундай пайтларда ораларига кириб олган чаён ерга янада маҳкам ёпишиб олиб, китобхонларни жиддий кузатарди. Кимдир китобларни кўлга олар экан, эҳтиросга берилиб, тушкун кайфиятда: "Фитрат, Чўлпон, Боту, Қодирий ўзбек халқининг бахти учун курашдилар, Ўзбекистонни руслар зулмидан озод қилиш учун ҳалок бўлдилар. Биз ҳам шу ҳақда ўйлаймиз ва шундай ўлиб

кетамиз", дейди нолиб. Оддий ўзини тўти туролмай кўшимча қилади: "Мен Абдулла Қодирийнинг уйига кўп борганман. Устоздан сабоқ олганман. Қодирий бир кун шундай деганди: "Большевиклар сотсиализм қуришмоқчи. Улар Россия ҳар қандай "изм"лар ўтадиган, лекин қолмайдиган мамлакат эканини билсалар керак. Сотсиализм ҳам бу мамлакат орқали ўтиб кетади, аммо ушалиб қолмайди". Бундай сўзлар фақат бадан қиздиргандагина юрак қаъридан тил учига кўчарди. Кўчарди-ю, дарҳол тарқалар эди. Аммо ўша заҳоти гажақдум "воқеанавис"нинг мулкига айлиниб, тезда тегишли манзилга етиб борар эди. Бунга Оддийнинг уйда А. Икромов, Ф. Ҳўжаев, А. Қодирий, Чўлпон, Боту, Фитрат суратлари ва асарлари сақланиши илова қилинарди, холос.

НКВДда "Чўлпончилар" жараёнига тегишли материал тўпланмаган бўлса-да, номлари зикр этилган кишиларнинг олти нафари 1941 йил 6 июль кун ҳибсга олиндилар.

Омил Оддий ва унинг шериклари "шўрога қарши миллатчилик гуруҳининг иштирокчиси, шўро ва фирқа тадбирларига бўҳтон қилиб, халқ душманлари, буржуа миллатчиларини мақташ, миллатчилик адабиётини уйда сақлаш ва танишларга бериш" ва ҳоказоларда айбландилар. Улар ўз-ўзига бўҳтон қилинган тайёр савол-жавоблар, кўрсатмаларга мажбуран имзо чектирилган. Жумладан, Оддий ҳам. Орадан бир йил ўтгач, 1942 йил 12 августда 8 йилга меҳнат тузатиш лагерига сургун қилинди.

У заво мuddатини Норильск лагерига ўтади. Ҳужжатларга қараганда, 1949 йил 23 августда МГБ ҳамда иттифок бош прокурорининг махфий буйруғи билан 1949 йил 23 августда МГБ Кросноярск улқаси бошқармаси иштиёрига ўтказилади. Тақдирини номаълум.

Гарчи Омил Оддий сургунда махв этилган бўлса-да, "Ёш куч" журнаliga олиб борган журналистик фаолияти, матбуотда бошиланган ҳамза ҳақидаги "Зўр талант", Маяковский тўғрисидаги "Ғалабага ундовчи шоир", "Замондош", К. Хетагуровга бағишланган "Гўзал лириканин кўйини", "Бобурнинг ҳаёти ва ижоди" каби кўпгина мақолалари келажак авлодга мерос қолди.

Омил Оддийнинг ижодий фаолияти ёш қаламкашларга ибрат, адабиётшунослар учун ўрганилмаган манба бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Ёш умри ҳазон қилинган ижодкорнинг фаолияти ўзбек адабиётшунослиги ва журналистикаси тарихида ўз ўрнини топади деб ўйлаймиз. Илоҳим охирати обод бўлсин.

Сирождин АХМАД

Тавловга

ЧОЙ ИЧИШНИ БИЛАСМИЗ?

Бу савол ҳаммага эриш туюлса керак. Ахир чой ҳеч ким учун янги бўлмаган ичимлик-ку. Миллий таоми-миз, либосимиз ва бошқа миллийлигимизни билдирувчи эҳтиёждаги нарсалар қаторидан чой ҳам миллий ичимлик сифатида ўрин олишга улгурган. Шунинг учун ҳам сўзлашувимизда ичимлик ёки бошқа маъноларни англатадиган "чой" сўзини кўп ишлатамиз. Масалан, "бир пийёла чой устида сўхбат", "чойга марҳамат", "келиннинг қўлидан чой"... деб умумий овқатла-нишни назарда тутишимиз мумкин. Чиндан-да, чойсиз кунимизни тасав-вур қилолмаймиз. Шу ичимлик билан боглиқ тарихий воқеа —"Бостон чой-хўрлиги" ҳам кўпчиликка маълум. "Машхур" ичимликнинг фойдали хусусиятлари ҳақида кўп гапирилган ва анча-мунча хабардоримиз. Аммо чой тўғри ичилгандагина фойдали бўли-шини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Замонда қайнатиб ичиладиган баргли шифобахш ичимликларни биламиз. Энди ўйлаб кўринг, ўша ичимликни чангаганимизда ҳам, овқат маҳалида ҳам, ётишдан олдин ҳам ичаверсак зарар қиладими? Нега унда шифобахш ичимликлардан бири бўлган чойни бот-бот ичаверамиз? Овқатга қўшиб деярли ҳамма чой ичади. Чойнинг таркибидаги танин моддаси эса озик махсулотларда мав-жуд бўлган фойдали моддаларни пар-чалаб юборади, натижада организмда витаминларнинг етишмаслиги юзага келади. Чой билан бирга истеъмол қилинганда гўшт 40 фоиздан 100 фо-изгача қонга сўрилмаслиги мумкин. Меваларнинг эса 5 фоиздан кўпи сўрилмайди. Умумий овқатлардан қўри-дан бўлсак, чой билан истеъмол қилинган махсулот таркибидаги вита-мин ва темир моддасининг камиди 70 фоизи сўрилмай қолади. Бу эса ин-сон саломатлиги учун салбий таъсир-дир. Ҳозир дунёда кўпчилик инсон-лар камқонлик билан касалланган. Бу касаллик асосан темир моддасининг етишмаслиги оқибатида юзага кела-

ди. Темирга бой махсулотлар бўлмиш мева-сабзавот, қўқат, дуккакиларни истеъмол қилиш бизни анемиядан сақ-лаб қолиши мумкин. Аммо бу-ларни чой билан истеъмол қилиш витамин ва темирнинг органларимизга тўлиқ етиб боришига тўсқинлик қиладди. Ортимизда кўп сонли аҳоли, айниқса, аёллар ва бо-лалар темир танқислигидан келиб чи-қадиган касалликларга чалинаётгани туфайли кундалик истеъмол қиладиган нонимизга темир моддасини қўшиб, яъни уни бойитиш йўлга қўйилган. Бу камқонликка қарши ку-рашлардан биридир. Сиз нонни нима билан ейсиз? Албатта чой билан. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, те-мир моддаси мавжуд бўлмаган нонни ейиш билан баробар.

Яна кўпчилик ёш болага чой бериб хатоликка йўл қўяди. Уч ёшгача бола-ларга чой ичириш тиббиёт нуқтаи на-заридан ман этилган. Болакайнинг чойига ёки сутига шаккар қўшиб бе-риш ҳам нотўғридир. Болаларни ёш-лигидан овқатлаиш тартибига эъти-бор бериш лозим. Агар унинг орга-низмда темир етишмовчилиги юз берса, бу кейинчалик ақлий ривожла-нишдан орқда қолиш хавфини ҳам тугдиради.

Саломатлик учун курашиш йўлида овқатлаиш тартибимиз, айниқса чой ичиш анъналарини ўзгартиришимизга тўғри келади. Овқат маҳали ёки ов-қатдан сўнг чой ичманг. Чой ўрнида бошқа ичимликлар, масалан, қайна-ган ёки маъданли сув ва шарбатлар ичишингиз мумкин.

Бу маслаҳатлардан сўнг, чой соғли-гимиз қушандаси экан, деган фикр ту-гилмасин. Чойнинг организмдаги аҳамияти катта. У қўллаб касалликлар учун даъво бўла олади. Аммо асал-нинг ҳам ози ширин. Чойга шифобахш ичимлик сифатида қараб, мейёрга ва вақтига кўра ичсак, саломатлигимиз учун фойдали. Овқатлангандан 30 дақиқа кейингина ичилган чой ёки қаҳва безарардир.

Саломатлик ҳамма учун керак ва уни асраб қолиш ўз қўлимизда. Бу унчалик қийин ҳам эмас. Оддий кўри-нган нарсаларга чуқурроқ назар ташла-сангиз, барчасига эришасиз. Келинг, ҳозирги даққадан эътиборан ҳар кун-ги чойимизга нисбатан янгича муно-сабатни шакллантирайлик.

Дурдона АЛИМОВА

ТУРОН БАНК

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК

**ОЗОД ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
1 СЕНТЯБРЬ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ
БИЛАН ҚИЗҒИН КУТЛАЙДИ!**

**МАМЛАКАТИМИЗ ОСМОНИ
МУСАФФО, ДАСТУРХОНИМИЗ
ТЎКИН, ХОНАДОНЛАРИМИЗ
ФАРОВОН БЎЛСИН!**

**ИСТИҚЛОЛНИНГ 15 ЙИЛИ МУБОРАК,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Турон банк Сиз билан, Сиз учун!

Тадқиқот

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

1930 йил 15 мартгача Ўзбекистондан 1000, Туркменистондан 200, Қирғизистондан 100 кишини кулоқлар сифатида қонлагерларга олиш ОГПУга топширилади...

сёлкаларидаги махсус кўчкнчилар орасида агентура — оператив ишларни олиб бориш учун сургун қилинганлар тилини билладиган оператив ходимлардан — Урта Осиёдан 5 кишини, Кавказ ортидан 3 кишини Шимолий Қозоғистонга юбориш сўралган...

ганлар миқдори 3.000 кишига етган. Шимолий Қозоғистондаги махсус кўчкнчиларнинг иқтисодий аҳоли, турмуш шароитлари мислсиз оғир ва ачирнарлигини эътиборга олиб, ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г. Ягода СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.М.Молотовга мурожаат этиб Қозоғистон АССР Қарағанда вилояти қишлоқ хўжалигида ер ўзлаштирувчи махсус кўчкнчилар 1932 йилда хозирга қадар экинларнинг нобуд бўлишидан ўзига келолмаётган...

кишигина тирик қолди. Қолган кишилар иқлимга ва биздан катта куч-қувватни талаб этаётган меҳнатга чидай олмаганлигидан, шунингдек, 40 градусли аёз ва буронлардан вафот этди. Биз шунга аминмики, ҳуқуматимиз бизнинг бутунлай қирилиб кетишимизга йўл қўймайди ва пахтачилик билан шугулланиб, ўз давлатимизга фойда келтиришимиз учун бизни ўз ватанимизга қайтариб олиб кетади ёки Иттифокнинг иссиқроқ жойларига кўчиради. Ойларимизни очликдан сақ...

Урта Осиёдан Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимиз немис-фашистлар оккупацияси шароитида кун кўришга мажбур бўлганлар. Бироқ, эркаклар, айниқса, ёши 18 дан 45 гача бўлганлар Шимолий Қозоғистонга эвакуация қилинган. Улар махсус посёлкаларда, Қарағанда кўмир қонида ва бошқа энг оғир соҳаларда меҳнат қилганлар.

чилари сафида меҳнат сургунидан озод этилган ва паспортга эга бўлан 12 киши оила аъзолари билан Қарағандага келгач, озод қилинган ва ўз ватанларига қайтганлар. Херсондан қатағон этилган ўзбек, қирғиз, қисман туркман ва тоjik меҳнат кўчкнчилари Шимолий Қозоғистонда ниҳоятда оғир шароитда кун кўрганлар. Чунки уларнинг оилалари немис-фашистлар оккупация қилган Херсон областининг Скадовск, Голопристан, Каховск районларида, айримлариники эса Ростов ва Запорожье областларида эди. Қозоғистондаги меҳнат сургунидигиларнинг 1942 йил биринчи ярмидаги аҳоли тўғрисидаги ҳисобот маърузада Украина ССР меҳнат посёлкаларидан эвакуация бўйича келтирилган яқка-яқка ҳолда сўққа бош бўлиб яшаётган ўзбеклар ва қирғизларнинг оилавий қийинчиликдан азобланиб сургун қилиниш олдидан ўз жойларига қайтишга ёки қочиб кетишга уринаётганликлари алоҳида таъкидланган: Табиийки, улар қўлдан кўп саргаштларни бошдан кечирган, ушлаб олинганларидан кейин қамоқ жазосига тортилган, айримлари йўл ва йўқчилик азобидан ўлиб кетган, камдан кам ватанга қайтиб келган, баъзилари уруш тугагач, сўнгги сургун қилинган жойларга бориб ўз оилалари билан истиқомат қилишган. Баъзи бирларнинг тақдирини янада фожиали келган. Ана шундайлардан бири Украинадан Қозоғистонга эвакуация қилинган Болтабой Сунобев Қарағанда вилоятидаги 2-сон махсус посёлкага жойлашган. У меҳнат кўчкнчиларини Ватанга хоникли қилишга ташвиқот қилганликда айбланган. Хуфийвий манбада кўрсатилишича, Болтабой Сунобев шундай деган: «Бизнинг оилаларимиз немислар эгаллаб олган ҳудудларда аъло даражада яшашмоқда. У ерда ишчилар кўнраги Германия туғли билан 2 сўм 50 тийиндан ҳақ олмақдалар, бир килограмми оқ ноннинг баҳоси 5 тийин. Бизлар бўлсак, бу ерда 11 йилдан бери азоб чекмоқдамиз, очликдан қийналяпмиз, эндиликда эса Германия СССРга қарши уруш бошлаши билан меҳнат кўчкнчилари армияга керак бўлиб қолди. Қачонки армияга борганимизда немисларни урмай асир тушириб, энг яхшиси шу». Табиийки, бунинг учун у қатағон тигига учраган.

Қатағон этилган иккинчи тоифали "кулоқ"лар миқдори тўғрисидаги 1930 йил 4 майгача бўлган маълумотда ёзилишича, Урта Осиёдан 400 оила (2000 жон) сургун қилиниши керак бўлган, шундан Қозоғистонга 80 оила (281 жон) жойлаштирилган. ОГПУ ГУЛАГнинг махсус кўчкнчилар бўйича бўлимининг қайд этишича, 1930 йилда Урта Осиёдан Қозоғистонга 159 оила сургун қилинган. ОГПУ 1930 йил 16 апрелда ўзининг Қозоғистондаги вакили Даниловскийга, Урта Осиёдаги ваколатли вакили Л.Г. Мироновга телеграмма йўллаб, унда Урта Осиёдан жўнатилган кулоқларни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш лозимлигини таъкидлаган. Телеграммада бундан бўён Урта Осиё ҳудудидан ташқарига "кулоқ"ларни сургун қилиниши ОГПУ қайси районларга сургун қилиш ҳақида санкция берганидан сўнггина амалга оширилиши уқтириб ўтилган. 1930 йил 30-31 январдаги ОГПУнинг жойлардаги доимий вакиллари ва бўлимлари раҳбар ходимлари билан бўлган йиғилишида кулоқларни тугатиш масаласи кўриб чиқилди ва Урта Осиёдан 2 минг кишини Қозоғистонга сургун қилишга қарор қилинган.

1933 йилда ВКП Марказий Комитетининг тақлифи билан ОГПУ органилари зиммасига Иттифокнинг шаҳар ва қишлоқларидан 2.000.000 нафардан ошқ аксилчиликбўй "кулоқ"лар ва "жиноятчи уқсур"ларни кўчириб вазибаси юклатилган. Бу кўчириб 1931 йилдаги нисбатан миқдор жиҳатдан бир неча бор ортқи эди. Агар 1931 йилда фақат қишлоқдагилар сургун қилинган бўлса, 1933 йилда эса сургун қилинганлар контингентини ҳар хил иқтисодий қатламлар: ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар аҳолиси ташкил этган. Маъмур кўчириб амалга оширилган, махсус посёлкалардаги кўчкнчилар миқдори 5 миллионга етган. Уларнинг иқтисодий келиб чиқиши, сиёсий савияси, аҳоли, ўтимиши ҳам турлича бўлган.



Совет режимининг махсус хизмат ташкилоти томонидан тайёрланган «Махсус кўчкнчиларнинг сиёсий қайфияти ва аксилчиликбўй фаолиги» номли махфий маълумотномасида Қозоғистоннинг Қурдай районидagi махсус посёлка команди томига Шарттоба совхоза Кендир участкасидаги махсус кўчкнчилари ариза билан мурожаат қилиб, 6 ой давомда иш ҳақи олмаётганликлари, 1933 йил январдан бери нон билан таъминланишда қўллаб узилишлар бўлаётгани, хозирда эса очарчиликни бошдан кечираётганликлари қайд этилган. Натижада 200 киши қочиб кетганлиги, меҳнат кўчкнчилари оила-оила бўлиб шишиб кетаётгани, айрим ҳолатларда овқат ўрнида ит ва мушқларнинг гўштини ейишга мажбур бўлинаётгани, эркаклар ҳамда аёллар орасида 1-, 2- гуруҳ ногиронлари ўсиб бораётгани таъкидланган.

1933 йил 10 июнига оид ана шундай махфий ҳужжатда Шимолий Қозоғистондаги меҳнат сургунидигилардан 900 киши очликдан, 300 киши шишиб кетишдан қалок бўлиши хавфи борлиги қайд этилган.

Кекса эркаклар эса меҳнат фронтига олиниб, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган. Уларнинг ҳам кўччилиги шу жойда ҳалок бўлганлар. Масалан, Тошкентнинг Қибрайидан Херсоннинг Скадовск районига сургун қилинган Йўлдош Мўминов (1895 йили туғилган) 1-сон пахтачилик совхоза 4-бўлими, 6-базасидан меҳнат фронтига олиниб Қарағанда кўмир қонида ишлаган. Тинка-мадорини қуритадиган оғир меҳнат, очлик, касаллик, болачақаларига бўлган ташналикдан Йўлдош Мўминов Қарағандада вафот этган.

1941 йил 20 июлда Николаево вилояти Ички ишлар бошқармаси кадрлар бўйича бошлиқ ўринбосари Маглеван Скадовский район комендатураси билан ёши 18 дан 45 ышгача ва қурол ишлатишга қодир бўлган ақсарият ўзбек, қирғизлардан иборат катта ёшдаги эркак меҳнат кўчкнчиларини Медитопольга эвакуация қилиш тўғрисида оғзаки фармойиш беради. Бу вақтгача улардан 270 киши ҳар хил мўддат ичиди Скадовский район комендатураси томонидан Ростов вилоятига эвакуация этилган.

1933 йил 10 июнига оид ана шундай махфий ҳужжатда Шимолий Қозоғистондаги меҳнат сургунидигилардан 900 киши очликдан, 300 киши шишиб кетишдан қалок бўлиши хавфи борлиги қайд этилган.

1934 йил 1 ноябригача бўлган ҳолатга кўра, жами қатағон қилинган 33658 оила (95609 жон), шундан катта ёшдагилар 58943, болалар 36666 кишини ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида 49547 киши, саноатда 46062 киши иш билан банд бўлган. Оғир меҳнат, аянчли турмуш, очарчилик, касаллик ва бошқа сабаблар билан 1934 йилнинг 10 ойи ичиди 5656 киши ўлган, 3135 киши қочиб кетган. Меҳнат кўчкнчилари озик-овқат танқислигидан ташқари иссиқ кийим-кечак билан ниҳоятда кам таъминланган. Ногиронлар, кўп болали оилалар усти-бош сотиб олишга мутлақо қурби етма-

ликларини асослаб берган. Шундан келиб чиқиб, СССР ХКСининг 1931 йил 16 августдаги қарориди қўрсатилган махсус кўчкнчи хўжалиқларини 1934 йил 1 январгача солиқлар, йиғимлар ва тўловлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзи 1935 йил январгача узайтириди. Лекин бу имтиёзлар ҳам аҳолини яхшилашга имкон бермади.

Бирок марказқўм ушбу хатни яна Ер ишлари халқ комиссарлигига ҳал этиш учун йўллайди. Уша йилнинг 20 августиди Ер ишлари халқ комиссарлиги Марказқўмга қайта мурожаат қилади: «Ер ишлари халқ комиссарлиги Шимолий Қозоғистоннинг Шартанди райониди жойлашган 37-меҳнат посёлкасидаги ўзбек меҳнат кўчкнчилари гуруҳининг ўзбекистонга қайта кўчириб ҳақидаги ариза-си билан танишиб, уларни бошқа "кулоқ"лар яшаётган «Ўзбексовхозпахта» қарашли совхозларга жойлаштириш мумкин, деб ҳисоблайди. Аммо улар билан бевосита НКВД ЎзЛАГ и шугулланаётганлиги сабабли маъмур масала бўйича бевосита НКВД билан боғланиш лозим».

Ушбу хатни яна Ер ишлари халқ комиссарлигига ҳал этиш учун йўллайди. Уша йилнинг 20 августиди Ер ишлари халқ комиссарлиги Марказқўмга қайта мурожаат қилади: «Ер ишлари халқ комиссарлиги Шимолий Қозоғистоннинг Шартанди райониди жойлашган 37-меҳнат посёлкасидаги ўзбек меҳнат кўчкнчилари гуруҳининг ўзбекистонга қайта кўчириб ҳақидаги ариза-си билан танишиб, уларни бошқа "кулоқ"лар яшаётган «Ўзбексовхозпахта» қарашли совхозларга жойлаштириш мумкин, деб ҳисоблайди. Аммо улар билан бевосита НКВД ЎзЛАГ и шугулланаётганлиги сабабли маъмур масала бўйича бевосита НКВД билан боғланиш лозим».

Украинанинг Николаев областидан эвакуация қилинганлар асосан ўзбек ва қирғизлар эди, оз миқдорда туркман ва руслар ҳам бўлган. Улар 1931 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистондан қатағон қилинган, эвакуация қилинган меҳнат кўчкн-

чилари сафида меҳнат сургунидан озод этилган ва паспортга эга бўлан 12 киши оила аъзолари билан Қарағандага келгач, озод қилинган ва ўз ватанларига қайтганлар. Херсондан қатағон этилган ўзбек, қирғиз, қисман туркман ва тоjik меҳнат кўчкнчилари Шимолий Қозоғистонда ниҳоятда оғир шароитда кун кўрганлар. Чунки уларнинг оилалари немис-фашистлар оккупация қилган Херсон областининг Скадовск, Голопристан, Каховск районларида, айримлариники эса Ростов ва Запорожье областларида эди. Қозоғистондаги меҳнат сургунидигиларнинг 1942 йил биринчи ярмидаги аҳоли тўғрисидаги ҳисобот маърузада Украина ССР меҳнат посёлкаларидан эвакуация бўйича келтирилган яқка-яқка ҳолда сўққа бош бўлиб яшаётган ўзбеклар ва қирғизларнинг оилавий қийинчиликдан азобланиб сургун қилиниш олдидан ўз жойларига қайтишга ёки қочиб кетишга уринаётганликлари алоҳида таъкидланган: Табиийки, улар қўлдан кўп саргаштларни бошдан кечирган, ушлаб олинганларидан кейин қамоқ жазосига тортилган, айримлари йўл ва йўқчилик азобидан ўлиб кетган, камдан кам ватанга қайтиб келган, баъзилари уруш тугагач, сўнгги сургун қилинган жойларга бориб ўз оилалари билан истиқомат қилишган. Баъзи бирларнинг тақдирини янада фожиали келган. Ана шундайлардан бири Украинадан Қозоғистонга эвакуация қилинган Болтабой Сунобев Қарағанда вилоятидаги 2-сон махсус посёлкага жойлашган. У меҳнат кўчкнчиларини Ватанга хоникли қилишга ташвиқот қилганликда айбланган. Хуфийвий манбада кўрсатилишича, Болтабой Сунобев шундай деган: «Бизнинг оилаларимиз немислар эгаллаб олган ҳудудларда аъло даражада яшашмоқда. У ерда ишчилар кўнраги Германия туғли билан 2 сўм 50 тийиндан ҳақ олмақдалар, бир килограмми оқ ноннинг баҳоси 5 тийин. Бизлар бўлсак, бу ерда 11 йилдан бери азоб чекмоқдамиз, очликдан қийналяпмиз, эндиликда эса Германия СССРга қарши уруш бошлаши билан меҳнат кўчкнчилари армияга керак бўлиб қолди. Қачонки армияга борганимизда немисларни урмай асир тушириб, энг яхшиси шу». Табиийки, бунинг учун у қатағон тигига учраган.

Урушдан сўнг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган собиқ кулоқларнинг юртга қайтишларига рўхсат берилади. Уларнинг Ўзбекистонга қайтиш жараёни ҳам оғир келган, у 1950 йиллар ўрталаригача давом этган.

Урушдан сўнг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган собиқ кулоқларнинг юртга қайтишларига рўхсат берилади. Уларнинг Ўзбекистонга қайтиш жараёни ҳам оғир келган, у 1950 йиллар ўрталаригача давом этган.

Урушдан сўнг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган собиқ кулоқларнинг юртга қайтишларига рўхсат берилади. Уларнинг Ўзбекистонга қайтиш жараёни ҳам оғир келган, у 1950 йиллар ўрталаригача давом этган.

Урушдан сўнг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган собиқ кулоқларнинг юртга қайтишларига рўхсат берилади. Уларнинг Ўзбекистонга қайтиш жараёни ҳам оғир келган, у 1950 йиллар ўрталаригача давом этган.

Урушдан сўнг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган собиқ кулоқларнинг юртга қайтишларига рўхсат берилади. Уларнинг Ўзбекистонга қайтиш жараёни ҳам оғир келган, у 1950 йиллар ўрталаригача давом этган.

15 йиллик тўйинг муборак, ЎЗБЕКИСТОНИМИ! САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ УРГУТ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ Озод ва обод Ватанимиз фуқароларини Истиклолнинг ўн беш йиллик тантанаси билан қизгин қутлайди! Келажакимиз давомчилари бўлган ёш авлод маънавий камолотига масъул эканимизни унутмаймиз. Мустақил Ўзбекистон тараққиёти бардавом, осмонимиз мусаффо, хонадонларимизда файзу барака бўлсин!



Озод ва обод юртининг
истиқлол шукҳи ўзгача




Мустақилликнинг 15 йиллиги муборак,
Азиз юртдошлар!

www.ipotekabank.uz

ЎЗР МБ №74 сонли лицензияси

Навоий вилояти
Навбахор тумани пахта
тозалаш заводи жамоаси



Азиз халқимизни энг
улуғ байрам —
Мустақиллик куни
билан чин юракдан
қутлайди!

Сиз, азиз юртдошларимизга
тинчлик-омонлик,
фаровонлик,
оилавий бахт ва истиқлолни
мустақамлаш йўлидаги
ишларингизда куч-қувват
тилайди.

Ҳамиша омон бўлинглар.
Юрт равнақи учун меҳнат қилишда,
кўзланган олижаноб мақсадларингизнинг
амалга ошувидан омад доимо
ёр бўлсин!

15 йиллик ТАВАЛЛУДИНГ
МУБОРАҚ!

Урғут туманидаги ташхис қўйиш ва
даволаш маркази

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИ-
НИНГ
15 йиллик байрами
билан самимий
муборақбод этади.



Ватанамиз равнақи
йўлида фидокорона
меҳнат қилаётган
халқимизга ушбу
қутлуғ ва қувончли
онларда бахт-иқбол,
тинчлик-тотувлик,
хонадонларига
қут-барака
тилаймиз.

ЮКСАЛИШ САРИ ЯНГИ ОДИМЛАР

Бўстонлик туманидаги "Хумсонбулок" оромгоҳида 22 августдан Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Либерал демократик партияси ҳамкорлигида ёшлар етакчиларининг ёзи мактаби иш бошлади. Мактаб 2 сентябрга қадар фаолият олиб боради.

Бунгача ташкилотчилар томонидан ишлаб чиқилган кўпбосқичли фаол дастурнинг икки босқичи муваффақиятли амалга оширилган эди. Биринчи босқичда "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли" мавзусида шахар ва вилоятлар миқёсида давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди. Ассоциация ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, улар онгига келажакни ўз қўли билан қуриш руҳиятини сингдиришни асосий мақсадига айлантирди ва бунинг учун ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларни ННТМА остида бирлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлашни режалаштирди. Фаолиятнинг иккинчи босқичида "Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифа ва масъулият" мавзусида миллий форум ўтказилди. Форум 2006 йилнинг 25-26 май кунлари бўлиб ўтиб, унда ёшлар ННТМларининг фаолият мезони ўрганиб чиқилди. Қузатувлар шунини кўрсатдики, бугунги кун ёшлари ҳаётидаги ютуқларни мустақамлаш ва муаммоларни ечиш йўлида уларнинг бирлашиши муҳим аҳамият касб этар экан. Бунинг амалга ошириш учун ННТМА учинчи босқичдаги вазифа — етакчилар ёзги мактабини ташкил этди. Етакчилар танлов орқали сараланди. Танловда иштирок этган Республиканинг барча шахар ва вилоят етакчилари ННТМАнинг интернет сайтыда (www.ngo.uz) эълон қилинган анкетани тўлдирдилар. Натихада Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан иккитадан етакчи танлаб олинди. Жами юздан ошмиқ бўлган етакчилар 3 та ўзбек, 1 та рус, 1 та аралаш гуруҳга бўлинди. Етакчиларни 18 ёшдан 24 ёшгача бўлганлар ташкил этади. УННТМА раисининг аёллар ва ёшлар ишлари бўйича ўринбосари Нигора Гафорованинг айтишича, бу ёшларнинг бирлашиши ва рақобатда ишлашлари учун замин тайёрлайди. Ҳар бир ёшнинг ўз гоёси бор, уни ривожлантириш учун эса бирлашиш зарур. Бу ерда бир-бири билан фикр алмашиб, тақрибаси бойиған ёшлар ўз вилоятига қайтиб борган, янгича ислохотлар олиб боришга ҳам қодир бўла-

дилар. Ҳозир бир гуруҳда фаолият олиб бораётган ёшлар келажакда ўз нодавлат нотижорат ташкилотини ҳам туза олишига шубҳа йўқ.

"Юксалиш сари" ёзги мактабининг очилиш маросимида Ассоциация раиси Н. Ҳабибуллаев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Либерал демократик партияси вакиллари сўзга чиқиб, етакчиларнинг келажакдаги тарғибот-ташвиқот ишларига юксак умид билдирдилар. Келажакни қуришда ёшларнинг, айниқса фаол фуқаролик позициясидаги янги гоёлар эгаси бўлган мана шундай етакчиларнинг ўрни беқийс эканлигини таъкидладилар.

"Бугунги кунда Республикаимиздаги ННТМлари сони 1500 дан ошди. Уларнинг ҳар бирининг олдига қўйган ўз мақсад ва вазифалари бор, — дейди ННТМА раисининг экология ва таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Саидрасул Сангинов. — Ассоциацияимизнинг 4 йўналиши (ҳуқуқий, ёшлар, ижтимоий, экология) мавжуд. Ҳар бир йўналишда соҳа муаммолари алоҳида ўрганилади. Масалан, экология масаласи бўйича ННТМлари экофоруми 8 та мақсадли дастурни ишлаб чиққан. Фарғонанинг Қирғули туманида "Экологик тоза Фарғона учун" нодавлат нотижорат ташкилоти неча йиллардирки фаолият юритади. Бизнинг экологик муаммоларга бағишланган дастурларимиз барча туманларда ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари — фуқаролик жамиятининг бир институти. У ислохотлар учун имкониятлар яратди. Бунинг ёшлар тарғиботи орқали амалга ошириш эса янада самарали фойда беради".

Сир эмас, ҳозир кўпчиликнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳақида билимлари чуқур эмас. Балки бунга улар ҳақидаги маълумотнинг етарли эмаслиги сабабдир. Бу ҳақида биз ёш етакчилар билан суҳбатладдик.

Жамшид Жўраев (Бухоро вилояти Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти катта илмий ходими):

— Бу ерда биз турли нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан танишдик. Улар билан фикр ал-

машиб, янги маълумотларга эга бўламиз, тажриба алмашамиз. Албатта, улар кейинги фаолиятимизда асқотади. Мақсадимиз жамиятимиздаги хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшиш.

Дилноза Отажонова (Хоразм вилояти "Ҳамдард" ўқув маркази ходими):

— Менга барча етакчиларнинг мақсадлари бир-бирига яқиндек туюлади. У ҳам бўлса, мамлакатдаги сиёсий фаоллигини ошириш. Тўғри, бизнинг Хоразмда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлар топилади. Аммо танловга тайёргарлик чоғимдаёқ кўп дўстларим ННТМА ва унинг фаолияти ҳақида янгиликлар олишди. Бу ердаги гоёларимни ҳам борган, ватандошларим билан ўртоқлашиш ниятидаман.

Нозима Исокова (Наманган вилояти Либерал демократик партияси "Ёшлар қаноти" Тўрақўрган туман кенгаши раиси):

— Ёшларни ҳадеб билмасликда айблаш нотўғри, деб ўйлайман. Ёшлар билишни, ўрганишни хоҳлайди, гоёлари ҳам бор. Фақат уларга озгина туртки керак бўлади. Ёшлар муаммосини ҳал қилиш учун давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказилади. Бунинг ўзи камлик қилса керак. Ёшларни маълум гоё устида бирлаштириш, марказлар ташкил қилиш режаларимиз амалга оширишда катта ёрдам беради.

Ёзги мактабда ҳар кун етакчилар учун маърузалар ҳам ўтказилади. Маърузага Олий Мажлис, сиёсий партиялар мутахассислари, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси вакиллари иштирок этишади. Маърузалар турли мавзуларни ўз ичига олган бўлиб, асосан мамлакат ташқи ва ички сиёсати, минтақадаги геосиёсий вазият, хавфсизликка таҳдид солувчи кучлар, аср вабоси бўлган терроризм, гиёҳвандлик иллатлари ва бошқа масалалар ҳақида янги маълумотлар беради.

Келажакимиз бугунги ёшлар қўлида экан, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, етакчилик кўникмасини шакллантириш муҳим масалалардан биридир. Қўриб турганимиздек, бунда учинчи секторнинг ҳам улуши катта.

Дурдона АЛИМОВА

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТМнинг ўрни".



Ургут тумани Стоматология поликлиникаси

юртимиз аҳлини
Мустақиллик байрами
билан қизгин қутлайди!

Фарзандларимиз соғлом ва
билимли, меҳнатсевар ва
бахтиёр бўлиб
камол топаверсин.

Истиклол шукуҳи
халқимиз қалбида
абдий қолсин!

Тухфа

Хоразм Маъмур академияси 1000 йиллигига

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий удувларидан саналади. Айниқса дунёнинг энг қадимги академияларидан бири бўлмиш Хоразм Маъмур Академиясининг 1000 йиллик юбилей тўйига мамлакатимиз ва хориждаги илмий марказлар, маданий-маърифий муассаса вакилларининг "қуруқ қўл" билан келмаслиги ҳаммага аён.

Негаки, дунё халқлари тарихида илм-фан ва цивилизация тараққиётига муносабат ҳисса қўшган илмий марказ академиялар бармоқ билан саналган даражада оз. Академияларда илмий ворислик анъаналари давом этган, таржималар қилинган, бир-бирларини ғойибона устоз деб тан олишган, нодир-нобоб кўлэмалар кўматли моддий бойликлар сингари кўз қорачиқдек сақланиб келмоқда. Чунки Эрон, Хиндистон, Покистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия, Миср, Сурия, Марокаш, Италия, Испания, Франция, Германия, Британия, Россия каби мамлакатларнинг музей ва кутубхоналарида Хоразм Маъмур Академияси, Мирзо Улуғбек (Самарқанд) астроно-

йилгача фаолият кўрсатган ва унинг бағридан дунёга машҳур буюк файласуфлар, тарихчи олимлар, географлар, математик, физика, астрономия, музыка, адабиёт соҳасининг етук намоёндалари етишиб чиққан. Орадан 1200 йил ўтганидан сўнг Богдодда (809-860 йиллар) ва ундан 150 йил вақт ўтиб Хоразмда "Дорул хикма" ва яна 500 йилдан кейин Самарқандда Мирзо Улуғбек ташкил этган астрономия академиялари фаолият кўрсатган. Афсуски, уларнинг умри қисқа бўлган...

Узбекистон Президентининг 1997 йил 11 ноябрда имзоланган махсус фармони мувофиқ, Хоразм Маъмур Академи-

келаётган айрим илмий масалалар аниқ ва ёрқин саҳифаларда кўрсатиб берилган. Назаримда, китобни чоп этишда айрим жузъий нуқсонларга ҳам йўл қўйилганга ўхшади. Энг аввало китобнинг чиқиш маълумотлари орасида унинг неча нусхада ва қимларга мўлжалланганлиги кўрсатилмаган. Оддий китобхон, фермер ёки мактаб ўқувчиси учун ағлаб етиш қийин бўлган "академизм" руҳида ёзилган, бирорта расм, чизма, харита берилмаган. "Синус", "Косинус", "Тангенс", "Муфтоҳ", "Ҳажжож", "Фидда", "Ажам" каби ўқувчи тушуниши қийин бўлган илмий термин ва архаик сўзларга изоҳлар келтирилмаган. Хоразм Маъмур академиясининг аввалги ва кейинги илм-фан марказлари билан бўлган тарихий ва маданий алоқалар мавзуси четлаб ўтилган. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши миллий мафкура ва илмий тарғибот маркази томонидан 5 минг нусха-

ЮБИЛЕЙГА АТАЛГАН КИТОБЛАР

мия академиясининг кўлэмалари, осмон жисмларини ўлчаш учун қўлланилган устулоб, дарё сувини ўлчашга мўлжалланган "Ниломер", юлдузлар жадвали, Бехзод миниатюралари, Алишер Навоий, Отаҳий, Мунис асарлари авайлаб сақланади. Биз улардан "тилгога тенг тортиб" нусхалар кўчириб олишга интиламиз. Бу маданиятимиз тарихидаги оддий ҳақиқат, оғрикчи нуқталардир.

Хўш, дунё халқлари тарихида академиялар қачон пайдо бўлган ва қайси ҳолатда олимлар жамоасига академия мақоми берилган?

Маълумки, қадимги Миср, Месопотамия, Хитой ва Хиндистонда ҳам дунёга машҳур олимлар, буюк меъморлар, файласуфлар, Пифагор каби ҳисоб-китоб пирлари ашаб ўтган, уларнинг лойиҳалари буйича умри боқий Хитой девори, Миср эҳромлари, Бобил минораси, Африқияб қалъаси бунёд этилган. Лекин ўша жойларда академиялар фаолият кўрсатган деб эътироф этилмайди. Негаки, ўша мамлакатларда умрини илм-фанга бағишлаган афсонавий Лукмоний Ҳакимлар, тибтлик табиблар, ҳинд рақамлари ва бошқа теоремаларни кашф этган алломалар бўлган, улар яқка тартибда, давлатдан моддий ёрдам олмасдан баъзан ҳуфиёна, шогирд етиштирмасдан фаолият кўрсатганлар. Бунга ихтимойий-сиёсий муҳит, диний қарашлар, ўзаро шафқатсиз рақобатлашулар мо-нелик қилган.

Шунинг учун ҳам жаҳон халқлари цивилизацияси тарихида атиги 3-4 мамлакатда академия фаолият кўрсатилгани тилга олинди, уларнинг ворислик алоқалари бўлганлиги инкор этилмайди. Дунёда биринчи академия тузиш Юнон файласуфи Афлотун (Плутон)га насиб этганлиги маълум.

Унга Академик исми афсонавий лашкарбоши ўзининг Афина шаҳри чекасидидаги дала ҳовлисиди бўшатиб берган. Илм-фан, тараққиёт келажаги учун хотамтойлик қилган бундай олижаноб шахс шарофига Афлотун уни Академик деб атаган. Ушбу академик сал кам минг йил эрадан аввалги 387 йилдан эраинг 546

яси қайта тикланди ва у тарихий анъаналарни давом эттириб илмий изланишлар олиб бормоқда. Шу кўнларда илмий жамоатчилик, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти, ҳамкорлигида жорий йилнинг қизда Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигини кенг миқёсда нишонлашга қизгин тайёргарлик бормоқда, монографиялар, рисола ва йўл кўрсаткичлари нашр этилмоқда.

Ал-Хоразмий номи Урганч Давлат университетиди, Маъмур академияси билан ҳамкорликда "Қорақалпоғистон" нашриёти томонидан 21 босма тобдан иборат, академик Азимбой Саъдуллаев ва профессор Абдулла Сотиков каламига мансуб "Хоразм Маъмур Академиясининг тарихий илдиэлари" деб номланган монография ўзининг илмий-оммабоплиги, раван тили, ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши, "Авесто" каби нобоб китобнинг яратилиши асосида Хоразмда илм-фан, тамаддун тараққиёти ёрқин мисоллар ёрдамида баён этилган. Лекин шундай зарур халқчил рисоланинг атиги 500 нусхада чоп этилганлиги, албатта, камлик қилади.

"Хоразм Маъмур Академияси" деб номланган иккинчи монография Ўзбекистон ФА Шарҳшунослик институти ва Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг республика миллий комиссияси томонидан нашр этилган. Монография тўрт боб, 12 бўлимдан иборат бўлиб республикамизнинг атоқли олимлари А. Аҳмедов, У. Каримова, О. Бўриев, А. Шарипов, И. Элмуродов, З. Исмоилов, К. Сафаровлар томонидан нашрга тайёрланган. Китоб Х-Х асрларда Хоразмдаги тарихий шартот ва Хоразм Маъмур Академиясининг ташкил топиши, табиий ва аниқ фанлар ривожии, ихтимойий фанлар, тарих, адабиёт, география, фалсафа, тилшунослик, маъданшунослик ва тиббиёт соҳалари буйича амалга оширилган ишлар баён этилган. Монография амалдаги Маъмур академиясининг раиси, профессор К. Сафаровнинг мақоласи билан якунланган. Китобнинг ташки безалиши яхши, шўролар ҳокимияти даврида айтилмай

да чоп этилган "Маъмур академияси" номи рисола илмий-оммабоплиги билан ажралиб туради. Рисола оддий чорвадорга, мактаб ўқувчисига ҳам бирдек тушунарли ва содда-равон тил билан ёзилган. Ва лекин ҳар тўққисда бир нуқсон деганларидек рисоланинг 17-18 саҳифаларидаги маълумотлар 31-32-33 бетларида яна қайта такрорланган. Хоразм-шоҳлар сулоласига доир рақам-саналарида аниқлик йўқ. Муаллиф (А. Иброҳимов) ҳинд, араб ва рим рақамлари хусусида китобхонга кенг тушуна берилмак-садида келтирган саҳифаларида ноўрин бўрттириш ва изоҳларга йўл қўйган. Чунки, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийдан олдин ҳам "бирдан тўққизгача" рақамлар бор эди. Бобкалонимизнинг фан олдидаги оддий ва халис хизмати шундан иборатки, у "ас-сафиро" (цифрум) яъни ноль ("0") рақамини тақлиф этиб ўнлик тизимини кашф этган ва минг, миллион, миллиард, триллион, гектатриллион каби чексиз сонларни икки энлик қроғозга (ёхуд кафтдек компютерларга) жойлаштиришдек илмий муаммони ечиб кетган.

"Маъмур академияси" тузилган кезларда Шарқда урта буюк салтанат олдинга-кейин тарих саҳнасига кела бошлаган ва жаҳон миқёсидида етакчилик қилишга киришган палла эди. Булар Салжукийлар, Фазнавийлар ва Хоразмшоҳларнинг салтанатлари эдики... Булар бизнинг боббаримиздир" (7-8 бетлар) деган сўзлар ўқувчилар учун унчалик тушунарли эмас.

Юқориди тилга олинган мунозарали масалалардан қатъий назар тўйга аталган ҳар унала китоб ҳам Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик юбилейига мансуб совға бўла олади.

К. НУРЖОНОВ,
"Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси



Уйчиликнинг уйи тинч, деган ибора бор экан бу ёқларда. Чойхонада кўр ташлаб ўтирган, ёши саксонлардан ошган Мирзабува деган бир мўътабар инсон бу гапга ўзича изоҳ берган бўлди:
— Гап шундаки, меҳмон, уйчиликнинг боласи оёққа турди дегунча бўлмай, суяги меҳнатда қотади. Курганию билгани, қилар иши фақат яхшилик. Уқан бўлсангиз, таълим-тарбияки жойида экан, кўнгилхираллик каби қусурлар жой топмайди бу ерлардан...

Отаҳон гапининг замирида чўқур маъно бор эди. Фарзандлар билан оила ва маҳаллақий тарбияси, мактаб тарбияси яхши йўлга қўйилган жойда, раванлик издан чиқмайди. Ахир, бола деганлари айнаи ниҳолча. Уни тўғри эксанг, тўғри парвариш қилиб борсанг, кўзлаган ниятинга етишинг аниқ.

Бизни қизиқтирган мавзу, жойларда вояга етмаганлар тарбияси билан боғлиқ тадбирлар эди. Уйичини беҳиз танламадик. Вилоят туманлари ичиди бу борадаги ибратли иш таҷрибалари билан ажралиб туришини эшитганмиз.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳар қандай олижаноб тадбир кўпчилик билангина амаллибосини қияди. Тўйлар ёхуд бошқа маросимларми, ҳашар ёнки бирор бир сафарбарлик дейсизми. Ҳаммасида кўпчиликка кўз тикасиз. Бола тарбияси ҳам худди шундай. Оиланинг, маҳалланинг, мактабнинг, кенгроқ маънода айтилганда, жамиятнинг, давлатнинг муқаддас иши ҳисобланади.
Энг ҳаётий ана шу масалада

сўз юришиб, бирор бир шахар ёки туман ҳокимидани, халқ таълими бошлиғи ёхуд прокурордан ёнки дейлик, фуқаролар йиғини раисидани "Сизларда мактаб ёшидаги болалар сони қанча? Улардан вояга етмаганлари-чи?" деб сўраб кўринг-да. Ҳаммаси ҳам худди шу саволни кўтиб тургандай, дарҳол жавоб қайтара олмай-

ходимларининг саёй-ҳаракати, айниқса, аччайин салмоқли ва самарали кечмоқда.
Бола барибир бола-да! Унта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа, дейишди. Туман буйича олганда, улар минглаб, ўн минглаб... Бир-бирига ўхшамайдилар. Улардан ҳар бирининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори, тафаккур доираси бор.

Айниқса, ҳали вояга етмаганлари мисоли полапон қўшча. Шу боис улар орасида ҳам билиб-билмаган ҳолда, у ёки бу сабабга кўра бирор бир ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят содир этиб қўювчилар учраб қолиши аҳтимолдан узоқ эмас. Халқ таълими ходимлари асосий эътиборни ана шу жиҳатга қаратганлар. Тумандаги боғча ва мактаб ёшидаги барча болалар уларнинг рўйхати ва диққат эътиборида туради.

Фикримизнинг исботи учун далиллар келтирайлик: Туман халқ таълимига қарашли барча мактабгача тарбия даргоҳларида, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда болаларнинг бўш вақтлари беҳуда ўтмаслиги таъминланган. Ана шу мақсадда ташкил этилган мингдан зиёд фан ва касб тўғрақларига 50 минг нафарга яқин болалар жалб қилинган бўлиб, улар мунтазам фаолият юришиб турибди. Булардан та-

шқари 166 та спорт секциялари ҳам мавжудки, улар 8000 нафарга яқин ўсмирларни қамраб олган. Мазкур тўғрақлар ва спорт секциялари, компютер клубларининг изчил иш олиб боришлари, оромгоҳлар фаолияти юқори савияда ташкил этилганлиги боис, уйчилик болаларнинг ёғзи таълими бирор бир нуқсонлик, мароқли ва самарали ўтди.

Яна бир нарса: Халқ таълими бўлими қошида туман прокуратураси билан ҳамкорликда очилган "Вояга етмаганлар билан ишлаш маркази" ўз иш дастури, барча зарурий таълим-тарбия жиҳозлари, болаларни ўзига жалб этиш буйича ўтказилаётган мароқли ва самарали тадбирлари билан вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Мазкур Марказнинг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш тизимига кирувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ишини яхшилаш ва тўғри йўналтириш, ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий ҳимоя буйича қўмақлаштиришдаги иш таҷрибалари таҳсинга лойиқдир.

Беихтиёр яна Мирзабуванинг ҳикматли сўзларини эслаймиз. Ҳа, кўпчилик бош қўшган ва иш рисоладагидек йўлга қўйилган жойда чиндан ҳам кўнгил хиралик деган қусурларга мутлақо жой қолмас экан.

С. КАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" муҳбири



Наманган Вилояти Уйчи тумани халқ таълими бўлими жамоаси

Мўътабар Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли
бунёдкор халқини ва барча-барча касбдош
дўстларимизни, шу қаторда севимли газетамиз
"Hurriyat" ижодий жамоасини
Мустақиллик байрами шодиёналари билан Чин
дилдан таълимлаймиз.

БУЮК ЙЎЛНИНГ БЎСАҒАСИДА



Биз, ёши катталар, кўп ҳолларда болалар дунёсига бефарқроқ боқишга одатланганмиз. Юмалаб-сумалаб юриб оёққа туриб олса, ўзи эси қириб қолади, дегувчилар кам эмас. Бирок ҳар қандай катта ва узоқ йўл ҳам биринчи қадамдан бошланишини баъзан унутиб қўямиз.

Давлатимиз ёш авлоднинг соғлом ва бахтиёр ўсиши, онги ва тафаккури барқарор ривожланиши, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишини таъминлашга асосий диққат-эътиборни қаратгани барчага маълум. Буни биргина бизнинг Риштон тумани мисолида ҳам кўрсата бўлади. Кўплаб мактабгача тарбия муассасаларида бугунги талаб даражасида ишлаб чиқилган дастурлар асосида фаолият юритилади. Малакали тарбиячилар болаларнинг тўғри қийиниши ва овқатланишидан тортиб дунёқарошнинг кенгайтиришига, уларнинг нуқт ва фикрлаш иқтидорини мустаҳкамлаш, меҳнатга, табиатга, она Ватанга му-

ҳаббат туйғуларини шакллантириш, ахлоқ-одоб фазилатларини синдириш каби кўплаб жиҳатларни ўзлаштиришларида фидойилик кўрсатишади.

Жумладан, бизнинг 18-мактабгача тарбия муассасасида ҳам. Роппа-роса 55 йил бўлди, ана шу тарбия масканининг фаолият юрита бошлаганига. Эски даврдан эсталик бўлиб, унинг биносигина қолган, холос. Бироқ ана шу бионинг бугунги қиёфасини, унинг болалар гуруҳлари учун ётоқхоналари, ошхона ва машғулот залларини, дов-дарахтлар ва гулзорларга бурканган ҳовлисини айлансангиз, баҳри-дилнингиз очилади. Яна энг муҳими, кўргазмали қуролларнинг бойлиги, гуруҳ хоналаридаги ўйин ҳудудчалари, жисмоний ва эстетик тарбия машғулотлари учун мўлжалланган залларимизнинг энг замонавий жиҳозлар билан таъминлангани ҳам бизни қувонтиради.

Малакали ва жонқуяр мураббийларимиздан Сайфураҳон Аҳмадалиева,

Рисқинисо Жумаева, Шаҳрихон Ҳайдарова, Муҳаммадхон Турсуновалар ва мусиқа тарбиячиларимиз Раънохон Сўфиева ҳамда Дилдора Турсунқужаевалар фаолиятдан ота-оналар беҳад мамнун.

Юқоридагиларни айтиб ўтишдан мақсад ўз ишимиздан мактабнинг эмас, албатта. Ҳамма гап шундаки, бугунги болаларимизнинг қувноқ чехрасини, уларнинг чиройли қийинишларидан тортиб ҳар томонлама соғлом ва зукко, бахтиёр бўлиб ўсишаётганини кўриб, беихтиёр фахр хиссига тўлиб тошасиз. Барча-барчаси учун Юртбошимизга, давлатимизга мингдан минг раҳмат. Илоҳо, истиқлолимиз янаям мустаҳкамланиб, тобора ривож топиб бораверсин.

Муҳаббатхон **МИРЗАРАҲИМОВА**,
Риштон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 18-мактабгача тарбия муассасаси мудираси

Фарғона вилояти Риштон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 18-сонли мактабгача таълим муассасаси жамоаси

Азиз Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги шодиёналари билан бунёдкор халқимизни ва барча касбдош дўстларимизни чин дилдан табриклаймиз!

Бизнинг зиммамизга янги авлодни тарбиялаш ва буюк келажакимиз учун муносиб даражада камол топтиришдек гоят шарафли вазифа юкланган. Ана шу улғ мақсад йўлида бор кучимиз ва билимимизни аямаймиз.

Жонадонларимизга минчлик ва отинлик, қайғу бароқот кийиб келаверсин. Отаг ва хуш кайфият, бахту саодат барчамизга йўлдош бўлсин!

Самарқанд вилояти Ургут тумани янги буюм бозори жамоаси

Юртдошларимизни энг улғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади!



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ҳамкасб

Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида бўлганимда "Нуроний" студияси ташкил этилгани ҳақида айтишди. Ҳар ойда бир маротаба ҳаво тўлқинларига чиқадиган кўрсатув тажрибали журналист Облоқул Усмоновлар ташаббуси билан юзага чиқибди. Бу кўрсатувни олиб борувчи, бошловчи ҳам унинг ўзи экан. Бу кўрсатув телетомошабинларга манзур бўлаётгани, нуроний авлоднинг ҳикоя қилиш билан бирга ўша даврларнинг, бугуннинг, эртанинг долзарб вазифалари олиб чиқилаётгани ҳақида қувонч билан сўзладилар, суҳбатдошларим.

Мен Облоқул акани таънардим, у билан 5 йил бирга ишлаганман ҳам. Суҳбатдошлар бу йил 65 йиллигини нишонлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Облоқул Усмоновлар ҳақида гапирар эканлар, кўнглимда бу инсонга нисбатан қандайдир илиқлик пайдо бўлди. Мен қаерда бўлсам, вилоятнинг узоқ ҳудудларида ҳам шу муҳбир ҳақида сўрашди. "Илоҳим умри узоқ бўлсин, адолатли, жафокеш инсон", дейдилар. Мана шу туйғулар у ҳақида сўзлашга ундади.

Облоқул Усмоновлар мана 40 йилдирки, Самарқанд ва Тошкент радиосида муҳбирлик қилиб келяпти. Журналистиканинг тезкор жанрларида битган материаллари кишилар қалбига жуда тез етиб боради. Кўтарган муаммолари, кун тартибига қўйган долзарб вазифалари, инсон тақдирининг турфа ҳолатлари акс этган эшиттириш ва кўрсатувлар жиддий мунозараларга сабаб бўлади. Керак бўлса, шу асосда тадбирлар кўрилади. Биз бу фикрларни асосимиз борлиги учун айтаямиз. Эсимда, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битириб, Самарқанд вилоят радиосига ишга келганимда бир кунги дил дафтари оғир очиб қолганди.

— Қаранг, Пардабой қўмитада ишлайдиган асосий одамлар ўзбек, лекин барча тадбирлар, мажлислар, суҳбатлар русча ўтади. "Салом" десангиз, "Здравствуйте" дейди...

Мен ўшанда Облоқул аканинг кўзида аллақандай мунгли кўргандай бўлдим. Тўғри-да, паспортимизга ўзбек деб ёзилган бўлса-ю, билсак-билмасак русча гапирсак. Фикримизни тўғри тушуниролмай кулгу бўлсак... ўзи яхши кадр-у, лекин русчани билмайди, деган дашномлар эшитсак. Бундан ортиқ бедодлик борми?

Яқинда Облоқул ака билан шу воқеаларни эслаб ҳам кулдим, ҳам ачиндик. Умримизнинг энг қаймоқли дамлари собиқ империяга хизмат қилиш билан ўтганига афсусландик. Мустақиллигимизга шукроналар айтдик. Иншооло, ўз тилимизда бемалол гапирётганимиз, хусусан Самарқанд вилоятида ўнаб газеталар ўзбек тилида чиқаятгани, телерадиокомпаниядаги эшиттиришлар асосан ўз тилимизда олиб борилаётганини таъкидладик. Энди бутун кучимизни, ижодимизни мустақил юрт келажакига учун баҳшида эътишимиз кераклиги ҳақида ўйладик.

Облоқул ака билан суҳбатлашиб шу нарсага амин бўлдими, журналистика, муҳбирлик бу бир қисмат. Бу қисмат майини қўлга олган киши унинг оғир енгилликларига чидаши, қаноат қилиши, ҳаммаша ҳақиқатни гапирishi, тух-

ЭЪЗОЗ

ундай мақомга ҳар ким ҳам эришавермайди

матлардан ҳайқмаслиги, кишилар дарду азоби учун ўзини ўтга чўққа уриши керак. Облоқул аканинг ҳам қисмати шундай бўлган. Ота-онани меҳрига зор бўлган, опаси Зайнаб Отамуродова, тоғаси Жумабой Дўстматов ҳақида тарбияланган, кечалари кўз ёши билан ёстигини хўл қилган Облоқул Паёриқ туманидаги Пушкин номи мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ маҳаллий газетада бир бурда нон топиш учун ишлашга мажбур бўлади. Бундай қараса, адашмабди, ҳамма уни мактаптаги, ҳали мактабда ўқувчилик пайтларидаёқ осизга тушапти. Кишилар менинг тақдирим ҳақида ёзинг деб илтимоос қияпти.

Демак, бу касб оддий касблардан эмас экан, унга бутун умрни бағишласа бўларкан? Лекин ўқиб ўрганиш керак.

Облоқул Усмоновларни ҳам Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети қайноқ кучоғига олди, дилини ўртаб келган саволларига жавобини шу ерда топди.

Университет аудиторияларида ўтириб, Облоқул ака кўп эшитарди: "Танқид бу келажакнинг меваси, журналист ҳаёт шифокори, у ўз танқиди билан келажакка йўл очиб бериш керак. Танқид муҳбирнинг номини чиқаради". Бу фикрларни энди ҳаёлига келтириб танқидни тан оладиганлар бўлса яхши-я, лекин Абдулла Қаҳҳор айтганидек қўлга болта олиб муҳбирнинг орқасидан тушса-чи? Қадамини пойласа-чи? Қани, шу ҳам бир хато қилармикан деб соядай эргашиб юрса-чи? Афсуски, шундайлар йўқ эмас. Облоқул ака ҳам ўша пайтлари "Пайриқандан чиққан Хлестаков", "Чала тергов ва антика ҳўки", "Топталган муҳаббат" сарлавхали фельетонлар ёзиб балога қолган эди. Унинг ҳар қадамини таъкиб қила бошлаган эдилар. Эндигина ҳаёт йўлини бошламоқчи бўлган муҳбирни бадном қилишга киришганларида ўша пайтдаги Самарқанд вилоятида чиқадиган "Ленин йўли" хозирги "Зарафшон" газетасининг бош муҳаррири Малик Наврозовни ўртага тушиб кутқариб қолди. Облоқул ака хозир марҳум устоз Малик акани кўзларида ёш билан эслайди. Ахир шу киши бўлмаса, жувонмарг бўлиши тайин эдида, яхшиям, яхши одамлар бор...

Уша пайтлардаям танқидни тан оладиган раҳбарлар бор эди. Облоқул ака бир воқеани эслайди. Марҳум журналист Ҳожикурбон Ҳамидовни самарқандликлар яхши биладилар. У 70-йилларда Самарқанд вилоятида биринчи раҳ-

бар Владимир Николаевич Қодировни йиғилишда, ҳа-ҳа фаоллар йиғилишида қаттиқ, лекин очик танқид қилади. Адолатли раҳбар йиғилишда танқидни тан олади, кечирим сўрайди. Орқасидан одам кўйиб қийнамайди, бу мард одамнинг, чин инсоннинг танқидни эътироф қилиши эди...

Эҳ-ҳе, Облоқул аканинг бир кунлик ишини кузатсангиз, журналистика жуда машаққатли касб эканлигини тушунасиз. У ҳали вилоят телерадиокомпаниясида материалларини кўраётир, ҳали "Нуроний" жамғармасида раис Ҳасан Нормуродов билан суҳбатлашаётир, ҳали машинасида миниб, вилоятнинг узоқ чеккасида тушган шикоятни текшириш учун кетаётир, ҳали ёш журналистларга ўз тажрибасини ўргатаётир... Эҳ-ҳе, бу ишлар, бу тадбирлар... Лекин улар Облоқул акага илҳом беради... Қаранг, 65 ёш сохибининг чехрасига... Ёшлигида қандай бўлса шундай турибди. Ҳаёт йўллари ташлаган бир-иккита чизик ҳеч нарсас эмас. Қайтага Облоқул акага нуронийлик бағишлаб турибди.

Облоқул ака бир гуруҳ нуронийлар билан суҳбатлашаётган пайтда кўриб қолдим. Кейин билсан, улар Гўлня ва Ивановлар томонидан таъкиб этилган, қамалган, мустақиллик тўфайли оқланиб, ўз ишига тикланган нуроний отахонлар экан. Ўшанда Облоқул аканинг берган саволлари, қарияларнинг қалбига азоб бериб қўймаслик учун қилаётган сўзгади асраб-авайлашлари, ҳар бир киши билан гаплаша олиш санъати — ҳамма-ҳаммаси қарамонимизнинг гоят тажрибали эканлиги намойиш этиб турарди. У гапни шундай келтириб гапирардики, суҳбатдошнинг дил қулифини очиб юборарди. Ўшанда билдим, ҳа, жойларга борганда беркорга уни сўрамас эканлар-да. Суҳбати жонон, ёзган материаллари пишиқ-пукта, маъноли... Бу тажрибали журналистнинг йиллар давомида орттирган усуллари... Унинг шогирдлари ҳам тез-тез хонадонига ташриф буюрадилар. Маслаҳатлар сўрайдилар, кўрсатмалар оладилар. Унинг бир шогирдида бераётган маслаҳатини ёзай: "Нимага шошасиз, дарров блокнотни чиқарманг, репортёрни, камерани кўрсатманг. Авал билдинг, суҳбатдошнинг ким, габини ўлчанг, кейин ишга киришинг. У тоғдан келса, сиз боғдан келманг. Оддий мақолани ҳамма ҳам ёзаверади, сиз профессионал журналистсиз, маълумотни тўлиқ олинг, керакисиз ўзи тушиб қолаверади. Шошманг, ука шошманг..."

Меҳрибон устознинг сўзлари чин эди. Бу хулосага келгунча, Облоқул ака қанчалар азоб чеккан, юргунган ёлган, кечаларни бедор ўтказган, тақдирларга аралашган, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демаган. Мана шулар Облоқул акани элга танитган. Шунинг учун у кишини шогирдлар ардоғидаги муҳбир деймиз-да.

Пардабой ТОЖИБОВ

Маънавият

Инсоният пайдо бўлганидан буён жаннатдаги хатоларини тақрирлаш...

қилаётганлигига қарамай, жиноий жавобгарликка тортилади...

чиққан, амалини топширган бўлса-да, давлат бошқарувида фаолият кўрсатаётган мансабдор...

Германияда қурвақалар ниманидир кўпроқ еб қўйганлигидан пуфакдай шибиш ўз-ўзидан ёппасига паклилаб ёрилиб кетаётган эмиш...

Андрей Платоновнинг "Котлован" ("Ура") асарига социализм ётоқхонасини қураётган қаҳрамонларидан бири етим қизчага тобутнинг ичидан қизил бурчак ясаб беради:

— Келажакимиз ана шу тобутдаги қизил бурчакдай порлоқ бўлади, — дейди у ишонч билан. Унинг башорати тўғри чиқди — "Социализм" деган кема улкан тобутга айланди. Ҳаммаёқ Ленин бурчаги ва қизил бурчакларга тўлиб кетди...

Ҳинда Донекс шахрида бўлиб ўтган халқаро тобутлар кўргазмаси "Хотира 2005 га ҳуз қелибсиз!" деб номланган. Унда айниқса Америка ва Россия тобутлари юксак баҳоланибди. "Улсам, шундай улук давлатларнинг байроғи остида тобутга қўйилсанг, — деб орзу қилибди, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан келган тобут усталари хўн-хўн йиғлаб...

Одамзод руҳиятидаги маънавий тўпорилик фақатгина жамиятни эмас, балки табиати ҳам емиради, издан чиқаради. Масалан, бундан 10 минг йил муқаддам Саҳроий Кабир гуллаб яшнаган бир водий бўлган. Маънавий тўпорилик тўғрисидаги маънавий тўпорилик фақатгина жамиятни эмас, балки табиати ҳам емиради, издан чиқаради...

Н. ОСТОНОВ

«ПАПАНИНГ ҚАНЧА ДИВИЗИЯСИ БОР?»

ёки маънавий гухроқликнинг оқибатлари ҳақида

россиялик олигарх Михаил Ходорковский ҳам Жон Морганнинг хатосини тақрирлаб, жиноий жавобгарликка тортилади...

Владимир Ленин томонидан қурдирилган ва 1920 йиллардан бошлаб уни ташлаб йўлга чиққан "социализм" кemasининг жони сабил экан — у орадан 74 йил ўтгачина ҳалокатга учради...

Машҳур олим ва ёзувчи Жюль Вернинг Морган ва Ленин, умуман, барча сиёсатчи ва ислохотчилардан фарқи шундаки, у ўз умри давомида 70 га яқин илмий-фантастик, ижтимоий руҳдаги роман ва киссалар ёзган бўлса, ҳар битта асарининг бошланғичи, кульминацияси нуктаси ва қандай яқунлигини олдидан билган...

Рим папаси Сталин билан учрашмоқчи бўлганда қизил империя доҳийси Молотовдан ҳар эҳтимомга қарши: "Папанинг қанча дивизияси бор?" деб сўраган экан...

амалдорлар, тадбиркорлар, янгидан пайдо бўлаётган олигархлардан иборат экан. Ана шундай ҳолатда, мансаб курсисидан ўтирган амалдорлар билан қорчалон табақа манфаатлари ўзаро кесилган жойда улар бирлашади...

Хозир ер юзидан янги-янги бойлар билан биргаликда янги-янги касаликлар пайдо бўлган. Нима эмиш, сичкон ва ҳўкиз вируси битта организмда учрашиб қолганлиги учун нотопилк ўпка шомолаши пайдо бўлган эмиш...

Танлов

«ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА»

"Янги авлод" медиа маркази ҳар қандай ёш ҳавасманд журналистларни қўллаб қўватловчи имконият масканидир. Бугунги ёшлар оловдек шиддатли. Бу шиддатдан тўғри фойдалансангина, биз орзу қилган ривожланган демократик давлат қуриш тезлиги кучаяди...

Шу мақсадда 2002 йилдан буён ёш ҳавасманд журналистларга имконият кўприги сифатида тажриба мактаби ўтаб келаётган "Янги авлод" медиа маркази бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда. Зеро, қуш тилини қуш билади дегандек, бола тилини бола тушунади...

Азиз ёш ҳавасманд журналистлар!

- Агарда сиз 12-18 ёш бўлсангиз;
— агарда сизни ташвишга солаётган масалалар тўғрисида тенгдошларингиз билан фикр алмаштирмоқчи бўлсангиз ва бу мавзу болалар учун қизиқарли деб ҳисобласангиз;
— агарда сиз журналистика сирасорларни билан бирга видеосуратга тушуриш ва монтаж сирларини ўрганишни истасангиз ёки бу соҳадаги билимларингизни оширмоқчи бўлсангиз;
— биз сизга бўлгуси ҳужжатли фильм сценарийсини ёзишни ва бизнинг кўмагимизда уни суратга олишни тақлиф қиламиз.

"Дунё болалар нигоҳида" танловининг ташкилотчилари қўйидаги мавзуларга алоҳида эътибор берадилар:

- болалар спорт;
• болалар саломатлиги;
• ОИТС ва ёшлар;
• оила;
• ижтимоий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари;
• Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.


Сценарий А4 ҳажмда бўлган 4 бетдан ошмаслиги ёки 5-10 дақиқали ҳужжатли фильмга мўлжалланган бўлиши керак. Фильм рус, ўзбек, инглиз тил...

700000, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Ҳамидулло Орипов кўчаси 24 "а" уй, "Янги авлод" медиа маркази.
Тел: 99837 132-14-85
e-mail: yangiavlod@sarkor.uz

Материалларни топширишнинг сўнгги муддати — 1 октябрь 2006 йил.

Шошилинг, имкониятлар маркази сизни кутмоқда.

Изоҳсиз сурат



Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат

Чимдим

ЎЗБЕКНИНГ ТАБИ ҚИЗИҚ

Қизинг юзлари гўё тошдан йўнилгандек осойишта... (Радиолавҳадан)

Аламли юрак тош бўлади... (Қария мулоҳазаси)

Йўл ҳаракати назоратчисидан яхши муомала кутиш қаҳратонда полизда қовун пишгандай гап. (Ҳайдовчи сўзи)

Эрталаб чиқиб кетганича кечқурун ичида ўти билан кириб келади. (Эри ароқхўр аёлининг арзи)

Нима, ўқитувчи сенга соғин сиғирми? (Йиғилишдаги лўқма)

Синик кўнгил, тақирланган, маъносиз нигоҳ билан, ортиқча ҳеч нарсдан умид қилмай, миҳ кириб ёрилган балондек дамим чиқиб, ёмғирда қолган товукдай хурпайиб индамайгина эшикни ёпдим. (Ишдан бўшаган ходимнинг ҳасрати)

У пайтларда қаймоқ жуда тақчил, отликча ҳам топилмаслиги боис Мирзақаримбой илонинг ёғини ялаган. Шундан бўлса керак, унинг юзлари ҳам ҳўрознинг тоҳисидай қипқизил бўлган. (Адабиёт муаллимининг тушунтиришидан)

Хатто исми фамилияларини тўғри ёзолмайдиганлар ҳам кап-катта газеталарда ишлайверар экан-да! (Жамоатчи мухбирнинг таажжуби)

Мухаббат кучидаги иссиқ ёз. Чарслар бахт чехрасидай хол отган, қизил-уруғ қовунлар ишқдай ширин! (Ошиқ йигит илҳами)

Кумри оловдай қанқоқ юзини эрининг қаттиқ тошдай кўрагига яшириб нозланда. (Радиолавҳадан)

Бекнинг палағда тўхум ютгандай кўнгли нари бориб, бери келиб ўшайиб ўтирарди. (Ёш қаламкаш ҳикоясидан)

Ичкари томондан узун малла тўн, оқ салла, сағри кавуш кийган, кўларига минг доналик тасбех, кўзларига сурма торган, узун мошғурч соқоли, хушмўйлов, мош еган ҳўроздай қип-қизил юзларидан нур ёғилиб турган эшон домла таманнолик билан ерни "миннатдор бўлсанг босаман", деб қичиб келдилар. (Туман газетасидан хабардан)

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Ҳажвия

Ҳозир, биронинг мушунни пишд деб бўлмай қолди. Бирор ҳикоя ёзсам, орқасидан бир галва чиқариб-да. Бундан бир ой аввал бир поррахўр шартта йўлимни тўсиб: — Нега мени ёзсан? — деди.

— Ҳа, сиззи исмингизни тилга олмаганман-ку? — Барибир ўша мен. Бундан кейин тўғри ёз. Бўлмаса, абжазингни чиқариб қўяман. Мен порани сен ёзгандек енг ичида эмас, ошқорча, ҳалол қилиб олам! У шундай деб, машинасининг эшигини карс этиб ёпди-ю, жўнади. Мен йўлнинг ўртасида анграйиб қолавердим.

Бу воқеанинг захри кетмай туриб, бир ҳажвия ёзувдим — бошлиқнинг ҳузурда типпа-тик бўлдим. — Ҳей, соқолингизга оқ кирсаям, ҳажвия ёзаверасизми? Тинчгина, қарам шўрвани ичиб, мазза қилиб юрaverмай-сизми? Бир варақ қоғоз тиллога бара-вар бўлиб турган пайтда нима қилсан ижод қилиб! Кимга нафи бор?

— Бирор нарс бўлдимми? — Ҳей, нима қилсан поррахўр-амалдорларни ёзавери-а? Буларда нима ҳусуматингиз бор? Бошқа мавзу йўқми сизга? Ана, бог-роғларини мақтан, ҳокимларинизга раҳмат, денг. — Сизга бирор у-бу дедимми? — Эрталабдан бери қулоғим тинчмайди: "Нега ходимингиз мени ёзди, сиз қайққа қараяпсиз, бўшатворинг", дейди.

— Ахир мен Фалончиев деганман, Пистончиев деганман. — Сиз Фалончиев деганингиз билан,

Арафа

ЯШАРАЁТГАН ҚЎҲНА МАРҒИЛОН



Фарғона водийсининг энг қадимий шаҳарларидан бири Марғилонда юбилей олдиди. Ушбу муҳалла қизини тус олган. Бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари мамлакатимиз шаҳарсозлик тарихининг нақадар теран илдишларга эга эканлигини бутун бўйбастилан намойиш этади.

Марғилоннинг 2000 йиллиги юбилейга тайёргарлик ишларида бутун мамлакат иштирок этмоқда. — Ҳазрат Бурхониддин Марғилоний чиллаxonасини таъмирлашда тошқентлик, Жаҳон Отин Увайсий мақбараси ва уй музейини тиклашда самарқандлик ва қоракўлпоғистонлик, Улуғ Мозор мақбарасида бухорлик, Пирсиддиқ мақбарасида қўнлик қўли гул усталар тинимсиз иш олиб боришмоқда, — дейди биз билан суҳбатда шахар ҳокимлигининг маънавият-маърифат ишлари бўлими бошлиғи Абдувоҳид Хусанов. — Бу тарихий обидаларнинг тобора қад ростлаб чириб оцаётгани Марғилоннинг қадимий ва салобатли қиёфасини янада бойитиб, шахар қиёфаси ўзгача мазмун касб этаётир.

Бугун Марғилонга келиб қолсангиз, уни замонавий шаҳарсозлик кўринишларидан ҳам завқ-шавққа тўласиз. Қўчалар ва автомагистрал йўллар қайтадан таъмирланиб, турар жой бинолари, савдо ва маънавий хизмат нукталари, турли муассасалар биноларига янгича оройиш берилган. Айниқса Мустақиллик, Туркистон, Бурхониддин Марғилоний ва Алишер Навоий кўчаларида, Ал-Фарғоний номидаги айланма йўлда кенг қўламли ободончилик ишлари амалга оширилди. Шунингдек, бу ҳудудлардаги ичимлик суви, табиий газ ва электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам тўла хал этилди.

Булардан ташқари, шаҳардаги қўллаб қўлланма мақталари ва мақтабгача тарбия муассасаларининг мукамал таъмирланиши, Зарафшон кўчасида вилоятда биринчи ёпик чўмилиш ҳавасининг барпо қилиниши, "Ёшлар ижодий маркази"нинг қайтадан қад ростлаши ҳам шахар ҳаётидаги қувончли воқеалар сирасига қиради.

Бурхониддин Марғилоний кўчасидан ажратилган 4 гектарли ер майдонига вилоятнинг йиллик қорхоналари ва муассасалари томонидан 43 та уй хомийлик асосида қуриб битказилгани эса "Хомийлар ва шифокорлар йили" даги олижаноб ишлардан бири бўлди.

Юқорида қайд этилган ободончилик ишларида вилоят ва шаҳарнинг бир қатор қурилиш ва автотранспорт ташкилотлари фидойилик кўрсатишди. Улар қаторида бевосита Марғилоннинг айрим хусусий тадбиркорлик фирмалари ҳам фаол иштирок этипти. Масалан, тадбиркор Абдумажид Исмоилов бошлиқ "Бибитель плюс" қурилиш фирмасининг вилоят ва Марғилон шаҳри ободончилигидаги хизмати салмоқлидир. Мазкур фирма бунёдкорлари яқинда Марғилон шаҳар ҳокимияти ва солиқ инспекцияси билан шахар "Тўғруқ уйи"нинг реконструкция ишларини қўйилмақом қилиб бажариб беришди. Айни пайтда бу қўли гул бунёдкорлар шахар марказида ёшлар учун энг замонавий лойиҳадаги диско-клуб ва компьютер уйинлари объектини қуриш ишларига киришди.

Марғилон шаҳар ер-мулк кадастр хизмати бошлиғи С. Маҳмудовнинг маълум қилишича, юбилей қурилиш-таъмирлаш ишлари учунгина 11,5 миллиард сўмлик маблағ сарфланиши назарда тутилган. Шунинг ўзидек Марғилон юбилейи учун қанчалик катта эътибор берилётганини акс эттириб турибди.

МУХБИРИМИЗ

ТУШУНДИГ. АРАВАДАН

барибир Пистончиевга тегади. Одамлар гўл эмас-ку! Бу шаҳарда бир имзо учун юз мингга фақат Пистончиев олишини ёш бола ҳам биледи. — Бу ҳажвия, мақола эмас. — Э-э-э-э-э, булар ҳажвия билан мақоланинг фарқи борганда эди... Мен сизга айтиб қўяй, одамзот бино бўлибдики, пораб бор. Мана, масалан, бундан минг йил аввалги "Минг бир кеча" эртагини олайлик. Ўша эртақда бир одам зиндондонга ўн тилло бериб, зиндонга кириб чиқади. Ўша ўн тилло — пораб! Тушундингизми? Энди мен сизга бир гапни тушунтириб берай: сиз билан биз мана шу поррахўр амалдорлар билан бирга битта аравада кетаётимиз. Ҳўш, бир аравада кетаётганлар бир-бирининг юзига тупурадимми? Йўқ. — Мен аравада юрмайман, поездда юраман, — дедим. — Поездда поррахўрлар йўқ деб ўйлай-сизми? — Бўлмаса, самолётда учаман. Бошлиқ тутатиб кетди: — Ҳей, мусулмон! У ерда устозлариниз кетаяпти-ку, устозлариниз! Тушундингизми? Тушунтиролдими, а-а? — У ерда олишмайдимми, а-а? — дедим самолёт учиб кетаётган осмонга дераза орқали ишора қилиб. — Ҳайф сизга ёзувчилик! Э-э, тушинг аравадан! Бошлиқ шундай деб, қўлини силтади-ю, хонасида мени қолдириб, ўзи ташқарига чиқиб кетди.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Advertisement for HURRIYAT newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors.